



ЎЗБЕКИСТОН — бахтиёр ёшлар мамлакати

➤ ФЕСТИВАЛЬ

Ёшлик — шижоат ва имкониятлар фасли. Айни ушбу даврда инсон жисмоний ва маънавий камолга етади, билим олади, касб эгаллайди, ўз олдига қўйган катта мақсадларга эришиш йўлида интилади. Дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторидан жой эгаллаш йўлида данил одимлаётган Ўзбекистонимиз бу йил ўз мустақиллигининг навқирон 25 ёшини кутиб олмоқда. Айни пайтда она юртимиз том маънода ёшлар мамлакатидир. Зеро, бугун аҳолимизнинг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади.

2➤

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК жамият тараққиётининг муҳим шартидир

➤ ОГОҲЛИК

Дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик, зиддиятлар, қонли моjarolar, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётганлиги жаҳон жамоатчилигини ташвишлантирмоқда. Бундай мураккаб даврда доимо огоҳ, ҳушёр бўлиш, юртимизнинг тинчлиги, осойишталигини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг ҳаётий бурчимиз ҳисобланади. Айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, бугунгидек фаровон ҳаётга эришиш халқимиз учун осон кечмаганини уларга чуқур тушунтириш, тинчликни юсак қадрлашга ўргатиш, жумладан, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар фаоллари зиммасидаги масъулиятли вазифага айлانган.

Айни кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ҳуудий ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари маҳаллалар, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда, аҳолининг турли қатламлари ўртасида "Биз вайронкор ғоиларга қаршимиз!" шиори остида "Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик жамият тараққиётининг муҳим шартидир" мавзусида тарғибот тадбирларини изчил олиб боришмоқда.

2➤

➤ 25 йил: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



ШАРҚНИНГ НОЁБ ДУРДОНАСИ



Самарқанд нафақат мамлакатимиз ёки Марказий Осиёдаги, балки Ер юзидаги энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Унинг олис ўтмиши Афросиёб тепаликлари бағрида қолиб кетган қадимий шаҳар вайроналари билан боғлиқ. Шаҳарнинг бунёд этилиши ҳақида ёзма манбаларда турли маълумотлар мавжуд.

Закарий Казвиний "Осор ул-билод" асарида "Самарқанднинг илк қўрғонини Қайқубод ўғли Қайқовус қурдирди, қалъани иккинчи марта Малик Туббаъ тиклатди, учинчи марта шаҳар атрофига деворни Искандар Зулқарнайн барпо эттирди", деб ёзди. Абу Тохир-хожаининг "Самария" асарида бошқа бир тарихий ҳақиқат,

яъни "Фаридун ўз мамлакатини уч ўғлига Салимга — Хиндистонни, Турга — Туронни, Иражга — Эронни бўлиб берди. Тур учун пойтахт бўлгудай бир қўрғон солмоқчи бўлиб ўрин излаб юрганида Самарқанд шаҳри ўрнида девор изи ва қўрғон асари кўринди. Унинг устига янгидан девор қурдирди. Афросиёб Ираж

ўғли Минучехрни енгиб, Турон юртини қўлга киритганда ўша Турнинг пойтахти бўлган ўринни иморат қилиб, унда ўринлашди. Шундан бу шаҳар Афросиёб аталди", деган маълумот келтирилади. Бу шаҳар қадим-қадимдан нихоятда улғувор, кўркем тарзда бунёд қилинган. Ўрта асрларда ушбу шаҳарга ташриф буюрган араб сайёҳлари Истахрий, Ибн Ҳавқал "Самарқанд осмони мусавффо, иморатлари мухташам, яшиллик бағрига қўмилган, қўшлаб улғу алломалар тўпланган, дунёга машҳур, жаннатмонанд шаҳар", дея эътироф этганлар. Археологларнинг келинги йилларда олиб борган тадқиқотлари натижасида Самарқанд шаҳрининг, Афросиёб шахристонининг бундан салкам 3 минг йил илгари барпо қилина бошлаганлиги тарихий ашёлар, осори-атикалар асосида аниқланди. Бу тарихий ҳақиқат дунё миқёсида тан олинди. ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда шаҳарнинг 2750 йиллик тўйи халқаро миқёсда нишонланди. Буларнинг ҳаммаси Самарқанднинг дунё шаҳарсозлигида цивилизация бешикларидан бири бўлганлигини исботлайди.



Бу ерда шаҳарсозлик маданиятининг юксак даражада тараққий қилиши Амир Темур ва темурийлар даврида кечди. Агар бугунги кунда шаҳарда 200 га яқин тарихий обидалар сақланиб қолган бўлса, буларнинг аксарияти ана шу даврда бунёд этилган. Ўнлаб медресалар, масжидлар, мақбаралар, миновалар ва бошқа иншоотлар тарихнинг жонли гувоҳлари ҳисобланади.

5➤

➤ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 680 ЙИЛЛИГИГА

МИЛЛАТИМИЗНИНГ БУЮК СИЙМОСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад АЛИ билан суҳбат

— Мустақиллик йилларида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг муборак номи, бой мероси тикланди. Унинг ҳаёти ва фаолияти жаҳон миқёсида ўрганилиб, тарғиб этилмоқда.

— Дарҳақиқат, истиклол шарофати билан бобокалонимиз сиймосини ўрганиш йўлида юртимизда катта ишлар амалга оширилди. Қувонарлиси шундаки, ижод дунёсига кирган ҳар бир қаламқаш Соҳибқирон ҳақида нимадир ёзишга интилоқда. Бунинг босиси, ҳар ким буюк Соҳибқирон уммонидан ўзига керакли дур топа олади. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов ўз маърузаларида Амир Темур тарихини ҳолис ўрганиш масаласини ўртага қўйди. Соҳибқирон шахси — жаҳон аҳлининг ҳақли равишда ҳайрат ва ихлосига сазовор сиймо. Улуғ салтанат тузган буюк давлат арбоби, бунёдкор, илм-фан ҳомийси ва улғу саркарда сифатида ўрганилади.

Аммо бу ишлар уммондан бир томчи, холос. Биз ҳазратнинг улғувор қиёфасини ҳануз тўлиқ, рўйи-рост кўрсата олганимиз йўқ. Зиёдиларимиз олдига жуда шарофли вазифа бор. Яъни, Соҳибқирон Амир Темур миллатимизга нима берди, деган саволга бутун савлати, бўй-баси билан жавоб бермоқ! Ахир, бу дунёда қанчадан-қанча миллатлар бор. Лекин ҳар бир миллатдан ҳам Соҳибқирон чиқавермайди!

8➤



“КУЧ — АДОЛАТДА!”

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳамда Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб "Куч — адолатда!" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров, Ўзбекистон ФА Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Х.Файзиев, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси, тарих фанлари номзоди Н.Ҳабибуллаев Амир Темур шахси ва фаолияти ҳусусида сўз юритдилар.

ЯНГИ САЙТ ТАҚДИМОТИ

Қарши шаҳрида буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини дунёга кенг тарғиб этиш ҳамда таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг бир гуруҳ иқтидорли талабалари томонидан яратилган www.sohibqiron.uz сайтининг тақдимоти бўлиб ўтди.

14 бўлимдан иборат мазкур сайтдан Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, авлодлари, моддий ва маънавий мероси билан боғлиқ янгиликлар, тарихий обидалар харитаси, маънавият, илм-фан тараққиёти йўлида қилган

хизматлари ва давлат бошқаруви тўғрисидаги "Темур тузуклари" асарида олинган манбалар, маълумотлар, тегишлик ва тарихчи олимларнинг илмий манбалари акс эттирилган видеолавҳалар жой олган.

2➤

➤ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ

Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти йўлсозлик соҳасидаги фаолиятида ҳам намойён бўлмоқда. Хусусан, йўллар кенг ва равлон ҳолда, кўприклар халқаро талабларга мос тарзда бунёд этилмоқда. Охириги йилларда мазкур йўналишда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

ЙЎЛЛАР — ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

Автомобиллар катнайдиган йўллари қонуний тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Маълумки, ушбу қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш каби масалалар парламент назоратининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Айни шу максатда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Жиззах вилоятидаги ижроси назорат-таҳлил тартибиде ўрганилди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда йўлсозлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир зарур ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, 2015 йил 6 мартда Президентимизнинг "2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги қарори билан ўтган йилнинг ўзига Ўзбек миллий автомагистрал таркибига кирувчи 382,4 километр автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

3➤



Ж.Норқобилов (ЎзА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН — бахтиёр ёшлар мамлакати

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Таъкидлаш лозимки, истиқлолнинг дастлабки йилларида-ноқ мамлакатимизда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўлаштирган, интеллектуал салоҳиятли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни даврда ушбу ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган вазифалар изчиллик билан амалиётга татбиқ этилаётган.

Республикамиз ҳудудлари бўйлаб “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган “Биз буюк юрт фарзандларимиз” ёшлар фестивали бунинг ёрқин мисолидир.

Жорий йилнинг 29-31 март кунлари Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган фестивал ҳам воҳага ўзига хос байрам руҳини олиб кирди, дейиш мумкин. Вилоятнинг барча туман, шаҳар ва қишлоқларини камраб олган ёшлар фестивалининг лойиҳалари доирасида амалга оширилган тадбирлар кексаю ёшлари, барча соҳа вакиллари эъзулик йўлида ҳамкамдам бўлишга қорлади.

Мазкур йирик акция эртанимиз эгаларини мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жара-

ёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларнинг ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, ёш авлодни “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларидан асраш, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу акция доирасида воҳадаги таълим муассасаларида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари, танлов ҳамда семинарлар уюштирилди. Уларда депутатлар, ёзувчи-шоирлар, олимлар, таниқли санъаткорлар қатнашганлиги тадбир нуфузини янада оширди. “Юртимни обод этаман!”, “Сиз севган қаҳрамонлар”, “Замонамиз қаҳрамонлари”, “Президент асарлари билимдонини”, “Ҳоким ва ёшлар”, “Ватаним — менинг фахрим”, “Нуронийлар ёзёзимизда” каби 20 га яқин лойиҳалар йиғит-қизларда катта таассурот қолдирди. Турли танловлар эса навқирон авлод вакиллари ўз истеъдод ҳамда салоҳиятларини намойиш этишга кенг имконият яратди.

Айниқса, “Депутат ва ёшлар” мавзусида ташкил этилган давра суҳбати жонли мунозараларга бой ўтди. Мулоқотлар жараёнида шунга яна бир бор амин бўлдики, ёшларимизнинг ҳуқуқий билими, сиёсий онги юқори, дунёқараши кенг, улар дунёда кечаётган воқеаларга бефарқ эмас. Умуман, бундай суҳбатлардан қўзланган асосий мақсад ёшларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларга муносабатини шакллантириш, уларда ислохотларга дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ва ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат.


Бизни хурсанд қилган яна бир жиҳат шуки, ёшларимиз бугун жаҳон афқор оmmasини ташвишга солаётган терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик каби салбий иллатларни қаттиқ қоралайди. Бу иллатлар ҳақида ҳар бир ёш ўз мустақил фикрига, танқидий қарашига эга. Ушбу жиҳатлар фестивал доирасида таълим муассасаларида ўтказилган “Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти”, “Диний экстремизм ва терроризм — ёшлар келажакига таҳдид” ҳамда “Одам савдоси — давр муаммоси” мавзуларидаги тарғибот тадбирларида яққол намоён бўлди. Мазкур тадбирларда ҳудуддаги 1123 та умумтаълим мактаби ҳамда 158 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 932 минг нафардан ортиқ ўқувчилари иштирок этганлиги, фестивалнинг ёшлар қатлами орасига чуқур кириб борганлигидан далолатдир.

Тадбирлар давомида ёт қояларнинг аянчи ва машъум оқибатини ўз тенгдошларига астойдил тушунтираётган ёшларни кўриб, тарғибот тадбирлари беиз кетмаслигига амин бўлдик.

Ушбу йирик акцияда иштирок этиш нафақат ёшлар учун, балки биз каби тарғибот гуруҳи иштирокчилари учун ҳам унутилмас таассуротларга бой бўлди. Фестиваль давомида келажакимиз эгаларининг мамлакатимизда яратилган шароитлардан унумли фойдаланаётгани, иқтидор ва қобилиятларини тўлақонли намоён этаётганига, уларнинг глобаллашув шароитидаги маънавий таҳдидлар, зарарли иллатларга қарши ўз мустақил фикри, фуқаролик позицияси шаклланишига ғувоҳ бўлдик. Энг муҳими, она Ватанимиз келажиги ишончли қўлларда эканлиги яна бир бор бизга ғурур бағишлади.

Абдулгани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

“КУЧ — АДОЛАТДА!”



Давоми. Бошланғич 1-бетда

Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темурнинг маҳобатли хайкаллари қад ростлади. Амир Темур илмнинг қадрига етадиган, уни ривожлантиришга астойдил бел боғлаган, дунёнинг энг етук олимлари, тарихчилари билан бе-малол суҳбатлаш оладиган до-нишманд ҳукмдор эди.

Соҳибқирон авлодларидан Муҳаммад Султон, Уллубек Мирзо, Иброҳим Султон, Бой-

сунқур Мирзо, Хусайн Бойкаро, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Комрон Мирзо, Гулбадан бегим, Зебуниссо каби улуг зотлар етишиб чиққан. Амир Темур ва темурийлар авлодининг инсоният таракқиётига қўшган ҳиссасига 2014 йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конферен-

цияда алоҳида эътироф этилган. Галдаги вазифамиз — буюк аجدларимизнинг бебаҳо меросини дунёга танитишда давом этиш, бу борада олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотларнинг сифат ва сон жиҳатдан ўсишига эришишдан иборат.

Соҳибқироннинг машҳур “Куч — адолатда” шiori 1995 йил 18 февраль кuni ташкил этилган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг бош қоявий йўналиши сифатида танлангани бежиз эмас.

Айни пайтда бу тамойил Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш йўлида ҳормай-толмай фаолият олиб бориши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида иштирокчилар Темурийлар тарихи Давлат музейи экспонатлари билан танишишди.

Саодат СОДИҚОВА,
“Адолат” мухбири

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК жамият таракқиётининг муҳим шартидир

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Алишер МАХМАТМУРОВО,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Тинчлик шароитидагина таракқиёт ва фаровонликка хизмат қилувчи бунёдкорлик ишлари амалга ошади. Мисол учун, ҳар йили қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, инфратузилма объектлари, йўл, электр, газ, ичимлик суви тармоқлари барпо этилаётганини таъкидлаш зарур. Президентимиз ташаббуси билан бош режа асосида деярли барча шаҳарларимиз қайта қурилмоқда. Бун Нукус, Урганч, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қарши, Термиз ва бошқа шаҳарларнинг бугунги кўркем кифоаси мисолида яққол кўриш мумкин. Қолаверса, истиқлол йилларида юртимизнинг барча ҳудудларида янги сонаот корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий уй-жойлар қуриб битказилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг салкам 50 фоизга яқинини 18 ёшгача бўлган ёшлар, 60 фоиздан зиёдорини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бугунги глобаллашув даври ёшлар масаласида олдимизга қатор долзарб масалаларни қўяётгани ҳам барчамизга аён. Айрим мамлакатларда бўлаётган оқибати номатълум сиёсий ва ҳарбий тўқнашувлар, дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган халқаро терроризм ва диний экстремизм, гиёҳвандлик ва одам савдоси каби салбий ҳолатлар қун сайин кучайиб бораётган ҳозирги таҳликалани замонда ёшларимизни турли ёт қоялардан ҳимоя қилиш ва уларда мазкур салбий ҳолатларга қарши тура оладиган имунитетни шакллантириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Азиз ЭШОНХОНОВ,
Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси
ўринбосари:



— Юрт тинчлигини, келажакимизни асраб-авайлашда оғоҳлик энг муҳим ўрин тутди. Ўз аълоқимиздаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслик, оғоҳлик билан янаша хавф-хатарларнинг олдини олади.

Дунёда нотинч вазият давом этаётган бир пайтда тинч-осойишта мамлакатимизда халқимиз турмуши тобора фаровонлашиб бораётганини қувонардир. Бунинг асосий сабаби, энг аввало, давлатимиз томонидан барча таҳдид ва хавф-хатарлардан халқимизни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тизимли равишда амалга ошириб келинаётгани билан боғлиқ.

Юртдошларимиз тинчлик, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тоғувлиқнинг ҳаётий аҳамиятини чуқур англайдилар. Бинобарин, мустақил таракқиётимиз йўлида эл-юртимиз бошидан кечирган оғир синовларни ёлдан чиқармаслигимиз, мустақиллигимизни, тинч-осойишта ҳаётимизни асраш учун ҳар биримиз доимо ҳушёр бўлишимиз зарур. Бу давлат таъкидотлари билан бир қаторда мамлакат сиёсий майдонидagi партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик зиммасидаги ижтимоий масъулиятни янада кучайтиришни талаб этади.

Вилоятимиз ҳудудларида ушбу долзарб мавзуда ўтказилаётган тарғибот тадбирларида партия фаоллари ёшларга маънавий қулликнинг, террорчилик, диний экстремизмнинг муҳим оқибатларини мисоллар, видеолавҳалар орқали тушунтириб, уларни ҳушёрлик, оғоҳликка ундамоқдалар.

Малоҳат МУСАЕВА,
“Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши
“Аёллар қаноти” таққисни:

— Давр олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни назарда тутиб, “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгашининг “Аёллар қаноти” фаоллари кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда фуқароларни, фарзандларимизни оғоҳликка ундаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга астойдил интиломоқда. Тарғибот тадбирлари ва учрашувларда, аввало, хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, илм-маърифатта қизиқишларини кучайтириш диққат марказида бўлмоқда. Аёллар ва ёшларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларга жавобан улар юртимиз келажиги ва тинчлигимизни сақлашга ҳисса қўишлари, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишлари ҳақида тушунтирилмоқда. Айниқса, вилоятдаги чегара ҳудудлар — Хонобод шаҳри, Избоскан, Пахтабод, Қўрғонтепа ва Марҳамат туманларидаги партиядошларимизнинг бу борада масъулиятини ошириш доимий эътиборимиздаги масала саналади.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, иқонуний равишда хорижда мўмай пул топишни қўлаб чет давлатларда ишлашга кетаётган фуқаролар бўлса, уларни ўз оиласига қайтариш ҳам

бизнинг муҳим ишимизга айланган. Вилоят кенгашининг “Аёллар қаноти” ташаббуси билан бошланган бу ҳаракат самарали давом этмоқда.

Хонобод шаҳри республикамизнинг чегара ҳудудида жойлашгани учун ҳам зиммамиздаги масъулият катта. Партия фаоллари фуқаролар онгига мустақиллик ва унинг шарофати билан эришган ютуқларимизни қанчалик бебаҳо эканлигини сингдириш билан тинчлигимизни қадрига етишга қор-лаяпти.

Вилоят партия кенгаши ташаббуси билан “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Оиланинг тинчлиги — жамият тинчлиги” каби мавзуларда давра суҳбатлари доимий равишда ўтказиб келинаётгани юртдошларимизнинг маънавиятини юксалтириш билан бирга тинчлигимизни сақлашга ҳар бир фуқаро масъул эканлигини чуқур англашга ёрдам бермоқда.

Руслан РЎЗМЕТОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи
аъзоси:

— Бугун бугун жаҳонда иқтисодиёт ўсиш суръатлари секинлашганлигига ва унинг ривожланишида турли хил хатарлар кучайганлигига қарамай, ўтган йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб келмоқда. Макроиктисодий барқарорлигини сақлаш ва иқтисодиётнинг модернизациялаш ҳамда аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасининг ўсиши таъминланди. Ушбу ўзгаришлар аҳолининг тинчлигини таъминлаш билан бир қаторда бахтли ҳаёт омиди бўлмоқда. Мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминламоқда.

Тинчлик-осойишталикнинг ҳаётий аҳамияти жондан азиз фарзандларимизнинг бахтиёрлиги, кекса нуронийларнинг шукроналик сўзларидан тортиб, соҳаларда эришаётган ҳар бир ютуғимизда яққол акс этади. Вилоятимизда 2012 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми 508 минг сўмини ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1 миллион 358 минг сўмга тенг бўлиб, қарийб 2,7 баробарга ўсди.

Сайлов округларида фаоллар билан ўтказилган учрашувларда юртимиздаги, шу жумладан, вилоятимиздаги ўзгаришлар фуқароларнинг кўтаринки қайфиятида ҳам намоён бўлмоқда. Уларнинг юзидagi шукроналик ҳисси, тинчликнинг қадрига етиган ҳолда юрт равнақига ўз ҳиссасини қўишга интилишлари, айниқса, ёшларнинг ғайрат-шижоатлари бир-бирига ибрат бўлаётганини кўриб қувонамиз. Шу билан бирга, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, жаҳоннинг мафкура майдонларида бўлаётган курашлар моҳиятини чуқур тушуниришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Сардорбек ХАМРОЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилоят
кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти етакчиси:

— Вилоятимизда саноат-қўишларимизнинг 3611 нафарини ёшлар ташкил этади. Партияимизнинг дастур ва қояларига ўз орав-ўйларини ҳамонанг деб билган бу фаол маслақдошларимиз иштирокида ёшларнинг интилишларини қўлаб-қувватлаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш учун амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, партиянинг “Ватан келажиги ёшлар қўлида”, “Янги касб — етук мутахассис — муносиб иш ҳақи”, “Талабаларнинг кичик инновацион корхонаси” лойиҳалари доирасида ўтказилаётган тадбирлар навқирон авлод вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Албатта, изчиллик билан олиб бораётган бу ишларимиздан қўзланган мақсад эртанимиз эгалари бўлган ёш авлодни ватанпарварлик ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган. “Биз вайронкор қояларга қаршимиз”, “Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги — муҳим вазифамиздир” мавзуларида таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларнинг самараси юқори бўлмоқда.

Сурхон воҳаси она Ватанимизнинг жанубий дарвозасидир. Бу, биз — сурхондарёлик ёшлар қалби-га ўзгача ғурур ва ифтихор бағишлаш билан бирга, зиммамизга алоҳида масъулият ҳам юклайди. Бу масъулиятни чуқур англаган партиядошларимиз Сурхон воҳасининг қўиш давлатлар билан чегара ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар таъсирчанлигини кучайтириш, улар билан яқиндан ишлаш, манфатларини рўёбга чиқариш юзасидан аниқ режалар асосида иш олиб боришмоқда.

Аждодларимиз ёшлар тарбиясида аввало ибрат масаласига жиддий эътибор қаратишган. Шу билан бирга, сўз қудратини тарбия масаласида ҳам намоён этиб, бебаҳо маънавий қадриятларни шакллантиришлар. Тинчликсеварлик, бағрикенглик бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлган бобомерос қадриятларимиздан саналади. Асрлар синовидан ўтган бу анъаналарни ёшлар онг-шуурига чуқур синдириш партия фаолларининг турли тадбирларида таъсирчан сўз ва амалий ишларида акс этмоқда.

“Адолат” мухбири Дилором МАТКАРИМОВА
тайёрлади.

АРИҚЛАР сувга тўлди

➤ ДЕПУТАТ НАЗОРАТИ

Ён-атрофга чирой бағишлаб, йўл бўйларида тоза ҳаво, соя-салқин бериб турган дов-драхтлар киши баҳри-дилини очади. Табиат инъоми бўлган яшил олам мўъжизаларида инсон орзу-ниятлари, ҳалол меҳнати, она заминга муҳаббати муҷассам. Табиийки, чор-атрофнинг кўркем манзаралари яна бир бебаҳо неъмат — сув туфайли вуҷудга келади.

Шаҳару қишлоқлардаги ҳар бир дов-драхт, инсон меҳрини бериб ўстирган ниҳоллар, эзгу ният билан барпо этилган сув тўла ариқлар шу манзилларнинг кўрку таровати, ободлиги, фаровонлигининг узвий қисми саналади. Сув — бу ҳаёт, деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

Шу боисданми, ариқлар доим йўللарга ҳамроҳ, катта-кичик йўллarga эътибор қилсангиз, деярли ҳар бирининг ёнгинасидан ариқ ҳам ўтган бўлади. Нафакат ер устидаги, балки ер ости захоб сувларини оқилона тартибда йўналтириш, улардан ўринли фойдаланиш ҳам эътибордан четда қолмайди. Мухими, бунда метёр сақлашни кераклигини, айниқса, мутахассислар жуда яхши англайдилар.

Шундан келиб чиқиб, зарур ҳолларда қишлоқ, шаҳар шароитида ҳам дренажлардан фойдаланиб келинади.

Албатта, сувдан фойдаланишнинг ҳам усуллари, замон тараққиётига мос воситалари, техник ускуналар бор. Дренаж ер юзасига яқинлашиб қолган захоб сувлардан тозалашда қўлланиладиган ана шундай воситалардан биридир. Ер остидан дренаж на-

соси ёрдамида тортиб олинган сув табиий равишда филтраниб чиқиб ундан фойдаланиш имконини беради.

Демак, бирор ҳудудда ўрнатилган дренаж насосининг талаб даражасида ишлаши шу ҳудудни қўқаламзорлаштириш, янада обод этишда қанчалик муҳимлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги "Моҳинур" маҳалласи ҳудудидаги дренаж насоси қайта ишга тушганидан барча мамнун бўлганлиги боиси ҳам шундан. Бу ускуна ёрдамида "Моҳинур" ва "Усмон Носир" маҳаллалари ҳудудидан оқиб ўтувчи ариқ тўлиб оқмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Фарҳод Абдуллаев яна бир хайрли ишга бош-қў бўлди. Сайловчилар билан бўлган учрашувлардан бирида "Моҳинур" маҳалласида яшовчи фуқаро Ғўзал Мажитова маҳалла ҳудудида ер ости сувларини тортиб олувчи дренаж насоси анчадан буён ишламаётганини хусусида депутатга мурожаат қилган эди. Ушбу мурожаат асосида Ф.Абдуллаев Тошкент шаҳар Дренажлар ва коллекторларни таъмирлаш ва сақлаш бош-

қармасига депутатлик сўрови қиритди. Тез орада мазкур бошқармадан келган жавоб хатида насос таъмирланганлиги, бироқ тортиб чиқарилган сув равои оқиши учун мўлжалланган ариқнинг баъзи жойларига тупроқ уюлиб қолганлиги, ҳуллас, "Чўпон" кўчаси бўйлаб ўтган ушбу ариқни қазиб зарурлиги қайд этилган, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бу иш ҳам удаланиши хусусида маълум қилинган эди. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошчилигида Дренажлар ва коллекторларни таъмирлаш ва сақлаш, Тошкент шаҳар Каналларни сақлаш улардан фойдаланиш, уларни таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқармалари ҳамда Яшнобод туман ободонлаштириш бошқармаси иштирокида мазкур ариқни қазиб ишлари амалга оширилди.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида айтиш жоиз. "Моҳинур", "Усмон Носир" маҳаллаларида яшаётган ҳамшаҳарлар хайрли иш бошланганини қўриб, бениҳоя хурсанд бўлишди. "Хорманглар, биз ҳам ёрдам берайлик", деган илк сўзларини айтишди. Бу жараёнда халқимизга хос фазилатлар яна бир бор ярқ этиб намён бўлди.

Тез кунда ўрнатилган насос ариқни ер остидан ошқиб чиқётган обихайтга тўлдирди, одамларнинг қувончи ҳам зиёда бўлди.

— "Моҳинур", "Усмон Носир" маҳаллаларидан ўтувчи 1 километрга яқин узунликдаги ариқ яна равои оқмоқда. Депутатнинг одамлар билан шундай ишлаётгани, сайловчиларда ҳам ташаббускорлик ҳисларини уйғотмоқда десам, хато бўлмайди, — дей-



ди "Усмон Носир" маҳалласи раиси Усмон Сафаров. — 35-Тузел округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутат Ф.Абдуллаевнинг мавжуд муаммоларга қай тартибда ечим топаётганини қўриб, фуқаролар депутатларнинг вазифалари, ваколатлари нималардан иборат эканини чуқур тушуниб етлапти.

Ёз ойларида шўх-шодон болажонларнинг ариқда чўмилиши учун имкон яратилганда ота-оналар ҳам мамнун. Уларнинг фикрича, бу имконият болажоннинг уйда ёки интернет кафеда компьютер ўйинлари билан андармон бўлишидан кўра сувда сузиш билан машғул бўлиб, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, соғлом ўсиши учун ҳам айни муддаодир.

Маҳаллалар ахли эндиликда кўча бўйларини янада обод этиш, бу ерда гулзорлар барпо қилишга киришдилар. Депутатнинг бу хайрли ташаббуси "Адолат" СДПнинг "Жамоатчилик назорати" — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида, жумладан, ички йўллари асраш ва ҳолатини яхшилаш юзасидан қилинаётган муҳим ишларнинг яна бир амалий ифодасига айланади.

Дилором МАТКАРИМОВА,
"Adolat" мухбири

ЙЎЛЛАР — ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

➤ Давоми. Бошланғич 1-бетда

Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси ййғилишидаги маърузасида белгилаб берилганидек, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда давлат бюджетидан ташқари хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳам муҳим ўрин тутмоқда. 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурининг асосий қонда ва йўналишларини бажариш бўйича бошланган ишлар 2016 йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Бугун мамлакатимиз автомобиль йўллари тизимида 184 минг километр узунликдаги йўллар мавжуд бўлиб, шундан 42,6 минг километри умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, 129,3 минг километри шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг йўллари, 12,1 минг километри хўжалик автомобиль йўлларида иборат. Уларни реконструкция қилиш, жорий сошлаш ва сақлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон миллий автомагистрални модернизация қилиш ишларини яқинида етказиш учун қарийб 513 километр йўллари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Олиб борилган таҳлиллар шунини кўрсатдики, Жиззах вилоятида автомобиль йўллари-нинг умумий узунлиги 7,8 минг километр бўлиб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 2,6 минг километр, ички йўллар 5,2 минг километрини ташкил қилади. 2015 йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 182,4 миллиард сўм маблағ ажратилиб, шундан вилоятда 104,3 миллиард сўмга 31 километр автомобиль йўллари реконструкция қилинган ва 41 миллиард сўмга 18 километр автомобиль йўллари тўла таъмирланган ҳамда 37,2 миллиард сўмга 97 километр йўллар жорий таъмирланган.

Назорат-таҳлил ишлари да-

вомиди вилоятда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда қонун ижросини таъминлаш билан боғлиқ айрим ечимини қутаётган муаммолар борлиги ҳам аниқланди. Хусусан, вилоятнинг "Автойўл" бошқармаси фаолиятини тубдан яхшилаш, унинг мавжуд моддий-техника базасини бугунги кун талаби даражасида янада такомиллаштириш, соҳага ма-лакали мутахассисларни кенг-роқ жалб этиш, автомобиль йўллари жорий ва тўла таъмирлаш борасидаги назорат ишларини қучайтириш зарур. Бундан ташқари, соҳадаги маҳсулот сифатини назорат қил-диган лабораторияларни та-комиллаштириш, ички йўллари таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Ўз навбатида, қонун иж-роси юзасидан соҳада йўл қўй-илган қамчиликларни бартараф этиш ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, Жиззах вилояти мисолида ўрғанилган соҳада мавжуд е-чимини қутаётган масалаларнинг республикаимизнинг бошқа ви-лоятларида ҳам мавжудлигини инобатга олган ҳолда мутахас-сислар ва тегишли ташкилот вакиллари томонидан соҳани янада ривожлантириш, мавжуд қонунчиликни такомиллаш-тириш бугунги кун талабидир.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси-нинг "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гар-ови" лойиҳаси доирасида жой-лардаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудлардаги ички йўлларнинг ҳолати билан бо-глик муаммоларга эътибор қара-тилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оши-рилаётган кенг қўламли бунёдкорлик иш-лари доирасида янги-янги йўллар, кўприклар қурилмоқда, йўллар атрофи ободонлаштирилмоқда. Ушбу йўллардан тўғри фойдаланиш, уларни асраб-авай-лаш, тазолигани сақлаш эса фуқаролари-мизнинг қонунчилигимизда белгилаб қўйилган бурчи ва мажбурияти саналади. Шундай экан, янгидан бунёд этилаётган ва мавжуд йўлларимизнинг равои бўлиши-га ўз ҳиссамизни қўшайлик. Зеро, бу йўлдан ўзимиз ҳам, келажак авлодлари-миз ҳам фойдаланади.

тилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу лойиҳадан қўзланган асосий мақсад ҳам айнан "Ав-томобиль йўллари тўғрисида"-ги қонун ижроси юзасидан партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-ларидан партия депутатлик гуруҳлари томонидан жамоат-чилик назоратини амалга оши-риш, бу орқали йўлларнинг, айниқса, маҳаллалардаги ички йўлларнинг тазолиги, атрофи-нинг ободлигини таъминлаш ҳамда уларни текис, равоил-гини сақлаш, йўллардан тўғри фойдаланиш ҳар бир фуқаро-нинг бурчи эканлигини жамо-атчиликка сингдиришга қара-тилган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги Ўзбекистон

"Адолат" СДПнинг депутатлик гуруҳлари аъзолари соҳадаги мавжуд масалани ўрганиш бўйича ўз сайлов округи ҳудуд-ларида мониторинг ишларини ташкил этиб, тегишли масала-лар бўйича масъул давлат таш-килотларида депутатлик сўро-лари билан мурожаатлар қил-моқдалар ва уларни умумлаш-тириб, таҳлилий маълумотлар тайёрламоқда. Тайёрланган таҳлилий маълумотлар доира-сида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан ман-сабдор шахсларнинг ҳисобот-лари эшитилиб, тегишли ма-сала халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашлардаги доимий комиссия ва сессияларга олиб чиқилмоқда. Шу асосда дои-мий комиссия ва сессия қарор-лари қабул қилиниб, соҳа фа-олиятини янада такомиллаш-тириш мақсадида тегишли кор-хона ва ташкилот раҳбарлари-га топшириқлар берилмоқда.

Эрмамат ХОЛИЁРОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ

➤ ДАВРА СУХБАТИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ад-лия вазирлиги қўшидаги Юрист-лар малакасини ошириш мар-казида "Юқсак ҳуқуқий мадания-ят — фуқаролик жамияти асо-си" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати, Ўзбекистон Республи-каси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон судьяла-ри Ассоциацияси, Юристлар малакасини ошириш маркази масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар, ўқув муассасалари ходим-лари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад жамият-да аҳолининг ҳуқуқий онги ва мадания-тини оширишга ва қонунийликни мустах-камлашга йўналтирилган давлат органла-ри, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасида-ги фаолиятини янада ривожлантириш учун асослантирилган янги тақлифлар ҳақида фикрлашиш ҳамда мамлакатда олиб бо-рилаётган кенг қўламли ислохотлар маз-мун-моҳиятини аҳолига етказишнинг ян-гича усулларини ишлаб чиқишга қаратил-ди.

Юртимизда фуқароларнинг Конститу-ция ва қонунларда мустақамлаб қўйил-ган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний ман-фаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий билими, ижтимоий-сийёсий фао-лиятини ошириш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Давра суҳбатда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг

самарали механизмлари яратилаётганли-ги, ушбу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданияти тобора юқсалиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари ўз маърузалари-да қонунлар ижроси самарадорлигини оши-риш муҳим масала эканлиги, мамлакатим-изда изчиллик билан амалга оширилаёт-ган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ху-сусида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш долзарб аҳамият касб этиши ҳақида сўз юритдилар.

Тадбир якунида аҳолининг ҳуқуқий ма-даниятини юқсалтириш, мутасадди муас-саларнинг ушбу соҳага онд фаолиятларини янада такомиллаштириш, улар орасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга онд так-лиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муҳаммаджон ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши
Марказий аппарати бўлим мудири

ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНКИД РУҲИДА ИШЛАШ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

➤ ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Жиззах вилоят кенгашининг нав-батдаги Пленумида 2015 йилда эришилган ютуқлар баробарида йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида вилоят партия ташкилоти фаолиятида муайян ютуқларга эришилди. Бу асосан ташкилий-партиявий иш-ларда, тарғибот-ташвиқот тад-бирлари кенг қамров касб эта-ётгани ва ижтимоий ҳамкорлик асосида қилинаётган ишларда ўз аксини топди.

Мафқуравий йўналишда ўтказилган тадбирлар монито-ринги юритилиб, улар асосида маҳаллий ташкилотларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиб борилди. Ўтган йилда партия қўйи ташкилотларнинг алоқа-ларини қучайтириш, ягона сие-сий платформада туриб, элек-торат манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини кен-гайтириш масалаларига алоҳи-да эътибор қаратилди. "Аёл-лар қаноти", "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллари хотин-қизлар

партия ташкилотларининг фа-олияти муҳим аҳамиятга эга. БПТлар фаолиятини янги-ча ёндашувлар асосида ўзгарти-риш борасида қилинадиган иш-лар кўп. Бу борада БПТлар учун партиявий-сийёсий ўқу-вларнинг самарасини ошириш, зарур тарғибот-ташвиқот мате-риаллари билан доимий таъ-минлаш орқали фуқаролар-нинг партия ғояларига қизи-қиши орттиришга эришиш мум-кин. Пленумда маҳаллий ва-киллик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари билан қўйи ташкилотларнинг алоқа-ларини қучайтириш, ягона сие-сий платформада туриб, элек-торат манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини кен-гайтириш масалаларига алоҳи-да эътибор қаратилди. "Аёл-лар қаноти", "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллари хотин-қизлар



ва ёшлар манфаатларини ифо-далаган амалий ишлари, изла-нувчанлиги, интеллектуал са-лоҳиятини намён этиш орқа-ли аҳоли ўртасида партия ғояларининг халқчил моҳияти-ни кенг тушунтиришлари ло-зимлиги таъкидланди.

Иштирокчилар эришилган ютуқлар билан бирга фаолият-да йўл қўйилган камчиликлар, хусусида атрофлича фикр юритдилар.

— Айрим ҳудудларда аҳоли қатламлари билан олиб борил-ган тадбирлар сони ва сифати-ни хали ҳам талаб даражасида деб бўлмайди, — деди вилоят партия кенгаши раиси Рустам Тўйчиев. — Арнасий, Ўстлик, Зарбдор, Зомин ва Пахтакор туманлари кенгашларининг фа-

олиятини талаб даражасига қўтариш зарур.

Пленумда туман ва шаҳар партия кенгашлари иш услу-би, шакл ва формаларини ян-гилаш, партия аъзолари, бош-ланғич партия ташкилотлари фаоллигини қучайтиришга доир тақлифлар ўртага та-шланиб, фикр-мулоҳазалар бил-дирилди. Қайд этилганидек, бу борада иш режаларини қайта қўриб чиқиш, тарғибот-ташвиқот фаолиятини аниқ манзилли режалар билан бо-ғитиш, ижро интизомини мус-тақамлаш ва кадрлар масъу-лиятини ошириш зарур.

Мажлисада маҳаллий вакил-лик органларидаги партия де-путатлик гуруҳларининг фао-лияти танқидий нуктаи назар-

дан муҳокама этилиб, депу-татлар ўз ваколатларидан унумли фойдаланмаётгани, ҳисобот даврида етарли дара-жада ташаббус кўрсатмаганли-ги жиддий танқид қилинди. Улар сайловчилар билан иш-лаш тажрибаларини ошириши, долзарб масалаларни хал этишда ташаббускор бўлиш-лари лозимлиги алоҳида таъкид-лаб ўтилди.

Пленумда қўрилган масала-лар юзасидан тегишли қарор-лар қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов иштирок этди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Adolat" мухбири

➤ ХАБАР

Аҳолини партияимизнинг ғоялари, ўз олдига қўйган вазифалари ҳамда фаолияти билан яқин-дан таништириб бориш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДП Нишон туман кенгашининг adolatsdp.uz сайти иш бошлади.

Янги сайт — янги имконият



Ушбу сайтни ташкил этишда, айниқса, партиянинг "Ёш адолатчи-лар" қаноти фаоллари ташаббускор бўлдилар. Келгусида тумандаги партия ташкилотларида амалга оширилаётган партиявий, ташкилий ишлар ҳақида батафсил маълумот бериш орқали хайрихоҳларимиз сонини қўпайтиришга ҳам ҳаракат қилимиз.

Янги очилган сайт саҳифаларида партия фаолиятиндан репортаж, лавҳалар ўрин олиб, давра суҳбати, учрашувлар, партия депутатлик гуруҳлари томонидан қилинаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар мунта-зам равишда ҳолис ёритиб борилади. Шунингдек, сайтимизга таширф буюрувчилар "Дунё парламентларида", "Дунё хабарлари", "Спорт" ва бошқа руқларда турли мавзулардаги ахборотлар билан танишадилар.

Шу ўринда яна бир масала хусусида тўхталмиш жоиз. Ушбу сайтда биз қўп сонли ёшлар билдирган тақлифларни инобатга олиб, улар-нинг саволларига "Ҳуқуқшунос минбари", "Депутат — сайтимизда" каби руқлар орқали депутатлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда жавоб қайтаришни мўлжаллаганимиз.

Улугбек ҲИҚМАТОВ,
Нишон туман кенгаши раиси

ВАКОЛАТ, ИШОНЧ ВА АМАЛИЙ ИШЛАР

➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши маҳаллий вакиллик органларига партиямиздан сайланган депутатлар ҳамда партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бермокда.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган тадбирлар орасида шу йил март ойида ўтказилган семинар алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Чунки семинар кун тартибига депутатлар ўз бурчларини қандай бажараётгани, ваколатлардан қандай фойдаланаётгани, электорат манфаатларини қай даражада ҳимоя қилаётгани тўғрисидаги масалалар киритилганди.

Албатта, шу муносабат билан тайёрланган тахлилий маърузада партия депутатлик гуруҳлари йўл қўётган камчиликлар, фойдаланмаётган имкониятлар батафсил баён қилинди. Шу билан бирга, тўпланган тажриба, уни оммилаштириш ҳақида ҳам сўз юритилди. Бу борада халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи фаолияти ижобий мисол тариқасида келтирилди.

Партиянинг мазкур депутатлик гуруҳи таркибида турли касб эгаларидан иборат олти киши бор. Улар партиямизнинг Сайловолди дастурида олга сурилган масалаларни рўёбга чиқариш, электорат аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсади атрафида бирлашганлар.

Масалан, депутатлик гуруҳи аъзолари бир қатор масалаларни мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари қилиш орқали хал этилишига эришдилар. Уларда кўтарилган масалаларнинг мавзуси хилма-хил. Хусусан, “Қишлоқчилик-сув таъминот” туман идораси ва “Водий-газтаъминот” унитар корхонаси туман бўлимаҳаллига йўлланган сўровда “Алихон” қишлоғи аҳолисини таъминлаш суви ва сукултирилган газ билан таъминлаш соҳасидаги узилишларга барҳам бериш тўғрисида фикр юритил-


ганди. Орадан кўп ўтмай, ҳар икки ташкилотдан муаммо ҳал этилганлиги ҳақида жавоб олинди. Бугунги кунда аҳоли ҳам ҳолат ижобий томонга ўзгарганлигидан мамнун.

Ёки фуқаро Мавлуда Оппокованинг пенсия таъминоти оид мурожаати асосида тайёрланган депутатлик сўровини олайлик. Бу ҳужжат асосида бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимидан тегишли маълумотлар олинди. Сўнгги фуқаро тегишли йўл-йўриқ асосида судга мурожаат этди ва ўз ҳуқуқини тиклашга эришди.

— Депутатлик гуруҳимиз аъзолари ўтган йили амалга оширган энг салмоқли иш халқ депутатлари туман Кенгаши муҳокамасига масала киритилгани бўлди, — дейди туман партия кенгаши референти Ҳабибахон Мирабдуллаева. — Вакиллари миз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги “Йўналишсиз тақсилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туманда қандай ижро этилаётганлиги ўрганиб чиқилди. Дастлаб тўпланган материаллар асосида тайёрланган маълумот депутатлик гуруҳида кўриб чиқилди. Кейин эса масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилди.

Халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари янада яхшироқ ишлаш, фуқароларнинг партияга нисбатан ишончини ошириш учун астойдил интилоқдалар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят кенгаши
матбуот котиби



СИЁСИЙ КУЧНИНГ ҚУЙИ ТУЗИЛМАЛАРИ янги БПТлар билан мустаҳкамланмокда

➤ БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Бошланғич партия ташкилотларининг электорат билан яқин алоқада ишлашини назарда тутсақ, БПТларнинг сиёсий куч мақсадларини рўёбга чиқаришдаги ҳал қилувчи аҳамиятини чуқур англаймиз.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоллари ҳам аҳолининг кенг қатламлари ўртасида таъсирчан тарғибот ишларини жонлантириш бораборида янги БПТлар ташкил этилишига эришмокдалар. Буни Навоий шаҳридаги сафдошларимизнинг фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, айни пайтда партиянинг шаҳардаги 878 нафар аъзолари сафдош таълим ва соғлиқни сақлаш тизими ходимлари кўчилигини ташкил этади. Шаҳар

партия кенгаши фаоллари жойларда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларининг амалий натижа беришини таъминлаш, партия сафларини юрт тараққиёти учун курашга бел болаган фаол, фуқаролик позициясига эга аъзолар билан кенгайтиришга ҳаракат қилмокдалар. Аниқ мақсадларга йўналтирилган бундай савий-ҳаракатлар ўз самарасини кўрсатмокда.

Яқинда Навоий шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими қошида партиянинг янги бошланғич ташкилоти

тузилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Айни пайтда 13 нафар маслақдошимизни бирлаштирган янги БПТ аъзолари жойларда партиянинг ғоя ва дастурий мақсадларини оммага етказишга астойдил киришдилар.

— Партиямизнинг адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, “Адолат — қонун устуворлигида” тамойилини амалиётга янада кенг жорий этишда фаол қатнашишни ҳар бир сафдошимиз ўз масъулиятли вазифаси деб билади, — дейди бошланғич партия ташкилоти раиси Жасур Эшмўминов.

Содоқат ШАМСИЕВА,
Навоий вилоят кенгаши
матбуот котиби

ЯНГИ ИХТИРОЛАР АМАЛИЁТДА

➤ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ — ТАРАҚҚИЁТ ҲАРОВИ

Қораўзақ туманида қишлоқ хўжалиги тараққиётида янги технологияларни қўллашнинг аҳамиятига бағишланган “Инновация лойиҳалари — тараққиёт омили” мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Қорақалпоғистон ҳудудий кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтган мазкур тадбирда Қораўзақ туманидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти олимлари, қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали талабалари ва партия фаоллари иштирок этди.

Тадбир доирасида туман мукобил машина-трактор парки тажриба синов майдончасида хорижий давлатда ишлаб чиқарилган ерни шудгор қилмасдан бошқоқли, ем-хашак экинларини экишга мослаштирилган дон экиш агрегати ва маҳаллий инноватор, партия миз аъзоси, Амударё туман газ корхонаси метрологи Амир Ернашев томонидан ихтиро қилинган дон экиш агрегати синовдан ўтказилди.

Тадбирда “ИКАРДА” қурғокчилик минтақаларида қишлоқ хўжалиги бўйича илмий тадқиқотларини олиб бориш халқаро маркази вакили Азиз Нурбеков, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Ёрмамат Холияров сўнгги йилларда юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, халқаро тажрибаларни амалиётда синовдан ўтказиш ва соҳага доир олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ҳақида сўз юритдилар.

Семинарда ерни шудгор қилмасдан экишнинг афзалликлари ўз аксини топган видео-слайд намоиши этилди. Видео-слайдда 2015 йилда Қораўзақ туманидаги «Шақап» фермер хўжалигида ерни шудгор қилмасдан экиш натижасида олинган донли, ем-хашак экинлари ва уларнинг ҳосилдорлик даражаси мисоллар билан кўрсатилди.

Айни кунда ушбу фермер хўжалиги даласида 5 гектар майдондаги буёқдорнинг ривожланиши агротехник талаблар даражасида эканлиги иштирокчилар диққатини жалб қилди.

Ушбу технологияни қўллаш натижасида 70 фойзгача ёқилги материаллари иқтисод қилиниши, сугориш учун сув кам сарфланиши, тупроқ ҳосилдорлигини орттириш каби қатор натижаларга эришиш мумкин.

— “Адолат” партияси томонидан инновацион фаолиятни рағбатлантириш йўлида амалга оширилаётган амалий ишлардан ҳабардормиз, — дейди тумандаги “Фаровон дала Қораўзақ” фермер хўжалиги раҳбари Лайла Монтаева, — ушбу семинарда кўриб турганимиздек, чет элда ишлаб чиқарилган дон экиш агрегати билан маҳаллий инноватор томонидан яратилган агрегат орасида унчалик фарқ сезилмади. Имкониятлари ва ишлаш механизмлари ҳам хорижийкидан ортиқ бўлса ортқидир, аммо кам эмас.

Инновацион тараққиётни қўллаб-қувватлашни мақсад қилган “Адолат” СДПнинг бундай аъзу ишлари мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига хизмат қилади.

Шарипа ТОРЕШОВА,

Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

ВАТАНИМНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН МЕН НИМА ҚИЛДИМ?

ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР САФДОШЛАРИМИЗ

хотин-қизлар манфаатини рўёбга чиқармокда

➤ “АЁЛЛАР ҚАНОТИ” ФАОЛИЯТИДАН

Қамаши туманида “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий билимларини оширишда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалий аҳамияти” мавзусида бўлиб ўтган учрашувда маҳаллий Кенгаши депутатлари, тиббиёт соҳаси мутахассислари, “Манғит”, “Чангақ”, “Ўзбекистон” маҳаллалари фаоллари, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Қамаши туман кенгашининг “Аёллар қаноти”, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Қамолат” ЁИХ туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда таъкидланганидек, аёллар жамиятининг барча соҳаларида фаол иштирок этиши учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган.

— “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг ҳаёта таътиб қилинаётганлиги ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир инсон, ҳар битта оиланинг бахтли ҳаёти ва фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилишининг яққол тасдиғидир, — деди тадбирда сўзга чиққан партия вилоят кенгашининг “Аёллар қаноти” етакчиси Азиза Зайнулдинова. — Бугун вилоят партия ташкилоти сафларига уюшган 3990 нафардан зиёд аёллар давлат бошқаруви органларидан тортиб,

жамият ҳаётининг барча жабхаларида фаол иштирок этиб келишяпти. “Аёллар қаноти” фаоллари вилоят хотин-қизлар кўмитасининг барча тузилмалари, “Соғлом авлод учун” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва ННТлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмокда. Бу эса маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини кенг тартиб этишга, қасаначиликни ривожлантириб, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмокда.

Дарҳақиқат, туманда фаол хотин-қизлар кўп. Партиядошимиз Саодат Отақулова нафақат ижтимоий-сиёсий фаолияти билан, балки тадбиркорлиги билан ҳам кўпчилиكنинг назарига тушган. У бандликка кўмаклашувчи марказ ва “Микрокредит-банк” АТБнинг туман филиали ҳамкорлигида “Қизилтепа” қишлоқ фуқаролар йиғинида тикувчилик ва ҳунармандчилик цехлари очиб, 15 нафар хотин-

қизларни доимий иш билан таъминлашга муваффақ бўлди.

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Махбуда Азимова ҳам барча соҳада фаол ва ташаббускор, қишлоқларининг инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллаларни ободонлаштириш, экологик муаммоларни ҳал этишда кўплаб фойдали тақлифларни илгари сурмокда.

Туман партия кенгашининг “Аёллар қаноти” етакчиси Наргиза Саидатова алоҳида қайд этиб ўтганидек, партия фаоллари савий-ҳаракати билан “Чим”, “Манғит” маҳаллаларида аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида қасаначилик кенг йўлга қўйилиб, 50 дан ортиқ оилага меҳнат шартномалари тузишга амалий ёрдам кўрсатилди. Олти нафар тадбиркор аёлга туманда янги бошланғич партия ташкилотлари тузилиб, улар орқали дастурий мақсад ва вазифалар фуқаролар ўртасида кенг тартиб этила бошлади.

— Ҳар йили “Адолат” СДП фаоллари аралашуви ва бевосита кўмаги туфайли биргина қасаначиликнинг ўзидан 2 миллион сўмдан тортиб, қарийб 5 миллион сўмгача даромад олаҳамкорлигида “Қизилтепа” қишлоқ фуқаролар йиғинида тикувчилик ва ҳунармандчилик цехлари очиб, 15 нафар хотин-

Учрашувда сўзга чиққан фа-

оллар қишлоқ шароитида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани қарор тоштириш, оилавий спортни ривожлантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишда жойлардаги БПТларнинг аҳамияти катта эканлигини алоҳида эътироф этдилар. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик ва қасаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида уларнинг меҳнат дафтарчалари мавжудлиги устидан назорат ва мониторинг ишларини жонлантириш лозимлиги қайд этилди.

Тадбирда хотин-қизлар муаммолари, хусусан, меҳнат бозори, унда ёлланиб ишлаётган хотин-қизларни моддий ва маънавий ҳимоялаш юзасидан ҳам фикр-мулоҳаза юритилди.

Иштирокчилар аёлларнинг ҳуқуқий онги, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ролини янада қучайтиришга доир тақлифларини билдиришди.

Учрашувда мутасадди ташкилотлар вакиллари маҳаллалар фаоллари ва ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Комил САХАТОВ,
“Адолат” мухбири

“Ёш адолатчилар” қаноти

Мустаҳкам ғоявий иммунитет



Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг “Фикр — ғоя — ҳаракат” лойиҳаси доирасида Ёшлик талабалар шахарчаси партия кенгаши ташаббуси билан Тошкент маданият коллежида “Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришнинг долзарб аҳамияти” мавзусига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ахборот асри бўлган бугунги даврда инсон онги ва тафаккурини ўзга ғоялар билан забт этишга

уринишлар қучаймокда. Ахборот хуружининг асосий нишон, объекти ёшлар эканлиги ҳар биримизни сероҳ тортириши зарур. Инсоннинг ахборот соҳасидаги ҳавфсизлигини таъминлаш учун фуқароларнинг, айниқса, ёшларимизнинг ахборотларни саралаш ва ундан онгли равишда фойдаланиш қўникмаларини шакллантириш муҳим ўрин тутмади.

Шаҳар партия кенгаши ташкилотчилигида Тошкент

юридик коллежи ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда шу мавзуда бўлиб ўтган тадбирларда ҳам ахборотдан фойдаланувчиларнинг қонун ҳимояланган ҳуқуқлари, интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Феруз ЖУРАЕВ,
Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот котиби

Мустақил фикрга эга инсон

Жарқўрғон саноат касб-ҳунар коллежида “Интернет маданияти ва ахборот ҳавфсизлиги” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Ўзбекистон “Адолат” СДП Жарқўрғон туман кенгаши ва “Ёш адолатчилар” қаноти ташаббуси билан бўлиб ўтган ушбу тадбирда тумандаги бир қатор ташкилотлар вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

— Ғоявий ҳамада ахборот хуружларининг чегара билмас хусусиятига эга эканлиги, бундай хуружларнинг тинч-осуда ҳаётимиз, инсоният тараққиёти учун ўта ҳавфли эканлиги фуқароларимизда, ёш авлодда ахборотдан тўғри фойдаланиш қўникмаси, интернет маданиятини шакллантириш кераклигини, бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини тақозо этмок-

да, — деди халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгаши депутати Очил Жиянов. — Албатта, интернетнинг юзага келиши турмушимизнинг кўплаб жабҳаларига енгиллик олиб кирди. Қўнлаб вақт сарфлайдиган ишимизни бир неча дақиқа ичида бажариш имконини яратди. Дефуски, интернетнинг имкониятларидан қабиҳ ниятда фойдаланаётганлар ҳам йўқ эмас. Ана шундай қалтис вазиятда биз ёшларимизни глобал тармоқлар орқали бўлаётган хуружлардан сақлашимиз керак.

Бундай давра суҳбатлари тумандаги барча ўқув масканларида ўтказилмокда.

Мақсуд ТўРАЕВ,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Давом. Бошланиши 1-бетда

Табийки, бугунги тараққиёт ана шундай қадим тарихий асосга эга шаҳарда замонавий тарзда қайта қуриш, бунёдкорликни ҳаётий заруратга айлантирди. Шунинг учун кейинги йилларда мамлакатимиз Президентини ташаббуси ва савий-ҳаракати билан Самарқандни миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида қайта тиклаш, унинг инфратузилмасини яхшилаш, обод ҳамда кўркем шаҳарга айлантиришга киришилди. Бу борада иш, аввало, шаҳарнинг тарихий масканларини қайта қуриш, таъмирлаш, ўтмиш ёдгорликларини асл тарихий қўрилишида тиклашдан бошланди. Шохи Зинда тарихий ёдгорликлар мажмуасининг атрофи очилди. Қадимий обидалар ўринлари ўрганилди. Мавжуд меъморий иншоотлар асл ҳолига мос тарзда таъмирдан чиқарилди. Бу ерда XIV — XVI аср меъморчилигининг ўзига хос қиёфаси намоён бўлди. Ана шундай қайта қуриш, таъмирлаш ишлари Регистон мадрасалари мажмуи, Амир Темур макбарасида ҳам олиб борилди. Мадрасаларнинг пештоқлари, миноралари, гумбазлари тарихий қўрилишида тикланиб, майоликали қосиқлар билан безатилди. Сохибқирон макбарасининг кириш қисмидаги пештоқ, миноралари, гумбаз ўша давр руҳига монанд яратилди. Ярим вайрон тарздаги Жомеъ масжиди, Бибиҳоним макбараси, Рухобод, Оксарой қадамжолари қайта тикланди. Шаҳарнинг қадимий масканларидан бирида буюк аллома Имом ал-Мотуридийга бағишланган тарихий қўрилишидаги обиди-ёдгорлик қад ростлади. Барча ёдгорликлар бор бўйи, салобати, улувворлиги билан, асл тарихий қўрилишига монанд ҳолда намоён бўлди. Бу эса шаҳарнинг бугунги кунда ўзига хос тарзда тарихий қиёфасини тиклаш билан бирга уни миллий, замонавий асосда қайта қуриш учун замин яратди.

Самарқандни замонавий шаҳарга айлантириш ишлари унинг марказидаги кўчалар, хиёбонларни тартибга келтиришдан бошланди. Аввало, шаҳар хусусига доғ бўлиб тушган эски иморатлар олиб ташлан-



этилди. Йўлнинг ўртаси ихоталанди. Йўл чеккасида йўлаклар қурилиб, яшил ҳудудлар хосил қилинди. Маълумки, Самарқанд шаҳри баланд-пастликлар устида жойлашган. Йўл ва кўчалар ҳам шунга монанд гоҳ юқорилаб, гоҳ пастлаб боради. Қайта қурилиш жараёнида Мирзо Улугбек кўчасининг ана шу хусусияти ҳам ҳисобга олинди. Натижада кўча қиёфаси янгича, ўзига хос гўзал қўришни касб этди. Кўчанинг янгича шаклланишида унинг атрофидаги тарихий иншоотларга алоҳида эътибор берилди.

Модерн, эклектика, антик услублардаги ғарб архитектура-расига хос бинолар сақлаб қолинди. Улар олийтоҳлар, шифоналар ва бошқа корхоналар иншоотлари билан бирга

тоқли, мрамар ва ёғоч устунли, олд қисми айвонли иморатларни яратмоқдалар. Қолаверса, ғарб меъморчилиги услубидаги иншоотлар парқ меъморчилиги билан уйғунлаштирилмоқда. Биноларнинг олд қисми мрамар мукарнаслар, ништли безаклар, сиркор гулли қошиқлар билан безатилмоқда. Шаҳарнинг табиий қўрилишига 4-5 қаватли уйларни шарқона услубда бунёд этиш мос тушмоқда. Шу билан бирга, хар бир бино, иншоотнинг қиёфаси ўзига хос тарзда яратилмоқда. Бир иккинчисини тақдорламайди. Буларнинг бари шаҳарда барпо этилаётган иншоотлар мисолида меъморчиликда тарих ва замонавийликни уйғунлаштирувчи Самарқанд янги шаҳарсозлик мактаби

лон майдонини Дахбед кўрғони билан боғлайдиган кўча бир пайтлари нихоятда тор, йўл чеккасидаги уйлар кўрмисиз, омонат қурилган эди. Кейинги бир йил ичидаги қайта қуришлар натижада кўча кенгайди, унинг атрофида бир-биридан чиройли иншоотлар барпо қилинди. Юзлаб савдо ва маиший хизмат шохобчалари, меҳмонхоналар қад ростлади. Кўча четидидаги тарихий ёдгорликлар обод қилинди. Умуман, кейинги йилларда Самарқандда янги, замонавий шаҳарсозлик тизимининг шаклланиши натижада 25 та тижорат банклари, 3215 та савдо шохобчалари, 80 дан ошқ меҳмонхоналар, 600 дан кўп маиший хизмат корхоналари, 50 га яқин поликлиникалар, 200 дан ошқ дорихона-



лойиҳалари яратилади. Улар орасидан энг яхши лойиҳалар танлов асосида саралаб олинб амалиётга татбиқ қилинади. Лойиҳаларда, қурилиш жараёнида тарихийлик, миллийлик, замонавийлик эътиборга олинади. Шаҳарнинг бугунги қиёфаси ана шундай асосда яратилмоқда.

Шаҳарни аэропорт билан, темир йўл вокзали, шаҳарлараро катнайдиган автобуслар шохбекати билан боғлайдиган йўллар тўла равишда қайтадан, кенгайтирилган ҳолда таъмирдан чиқарилди. Сувдидея дахаси, Мотурид мавзеси, Мирзо Улугбек расадхонаси, Хожак Дониёл макбараси атрофлари тўлалигича қайтадан қурилиб обод масканларга айланди. Самарқанд мамлакатимизда халқаро анжуманлар ўтказиладиган

турганлигини эътироф этадилар. Самарқанднинг бугунги миллий ва замонавий шаҳарсозлик тизимида ҳам ана шу хусусиятлар сақлаб қолинмоқда. Марказдаги Университет хиёбони шаҳарнинг эколандшафт асосини ташкил этади. Бу ердаги бир неча асрлик дарахтлар хиёбонга алоҳида кўрк бағишлаган. Хиёбоннинг бир томони Алишер Навоий номидаги истироҳат боғига бориб тушади. Боғ шаҳар аҳлининг сеvimли масканига айланган.

Университет хиёбонининг иккинчи томони Амир Темур хайкали пойидан Регистон майдонига қадар қўзилган яшил ҳудудга боғланган. Бу яшил оғоз гўзал фавворалар тизимини ҳам ўз ичига олган. Турфараңглар таратувчи ва куйлов-

кўчаси ва Хушрав кўрғони ҳудудларида янги хиёбонларнинг барпо этилиши шаҳар қиёфасини янгилашга катта хисса қўшди.

Самарқанд мамлакатимизнинг нафакат тарихий-маданий марказларидан бири, балки республикаимизнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан тараққиётга эришган шаҳри ҳам ҳисобланади. Шаҳар бағрида 800 дан ортиқ саноат корхоналари фаолият юритса, шундан 15 таси йирик корхоналар, қолганлари эса кичик корхоналардан иборат. Ёки бугунги кунда шаҳарда ҳўжалик юритувчи субъектлар сони салкам 6000 та бўлса, 700 дан ошғи давлат мулки шаклида, қолганлари нодавлат мулки асосида фаолият юритмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони 2015 йилда салкам 5000 тага етди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар сони 138 тадан ошди. Табиийки, бу корхоналар шаҳарнинг иқтисодий ҳаётини юксалтириш билан бирга замонавий шаҳарсозлик маданиятини ривожлантиришга ҳам хисса қўшмоқда. Айтайлик, "Sam Auto" заводи, Лифтсозлик заводи, совутичлар ишлаб чиқарадиган "SINO" акциядорлик жамияти, "Sam Antep Gilam" корхонаси ва бошқа кўплаб ташкилотлар мухташам, улуввор иншоотлари билан шаҳар қиёфасини янгилamoқда. Табиийки, келгусида шаҳар ҳудудида яна кўплаб янги корхоналар барпо этилади. Бу эса, албатта, Самарқанднинг замонавий шаҳарсозлик маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

— Самарқанд бугун нафакат мамлакатимизда, халқаро миқёсда ҳам автомобилсозлар шаҳри сифатида эътироф этилмоқда. Бунинг сабаби бор. Чунки шаҳримизда ишлаб чиқари-

ШАРҚНИНГ НОЁБ ДУРДОНАСИ

ликда асл тарихий қўрилиши сақланган ҳолда замонавий шаҳарсозлик асосида қайта таъмирланди. Шу билан бирга, бу кўчада Санъат коллежи, Концерт залы, Биҳиш, автобобилларга хизмат кўрсатиш салони, савдо уйи, тижорат банкларидан иборат юзлаб янги бинолар қурилди. Биринчи қаватидан бошлаб, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган 4-5 қаватли турар жой-

шаклланаётганини кўрсатади. Бугунги кунда Самарқандда амалга оширилаётган бунёдкорликлар натижада шаҳар ҳам энгича, ҳам бўйига кенгайди. У мухташам, обод, гўзал, кўркем тарзда қад ростламоқда. Тошкент, Амир Темур ва Мирзо Улугбек кўчаларида бошланган замонавий шаҳарсозлик ишлари шаҳарнинг барча ҳудудларида давом этмоқда. Биргина мисол: Самарқанднинг Регис-

лар биноларининг аксарияти янгидан бунёд этилди. Бугун шаҳарнинг деярли ҳамма кўчалари, даҳалари, мавзелаарида бунёдкорлик ишлари амалга ошмоқда. Янги уйлар, бинолар, йўллар барпо қилинмоқда. Булар Самарқанднинг бугунги замонавий шаҳарсозлик қиёфасини белгилаб берувчи истиклол даври иншоотларига айланди.

— Шаҳарда замонавий ва миллий шаҳарсозлик режаларига кўра барпо этилаётган ҳамда таъмирланаётган иморатлар, иншоотларнинг бир қисми Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини талабалари, магистрлари, олимлари ижодий гуруҳи томонидан тайёрланган лойиҳалар асосида амалга оширилмоқда, — дейди олим, Шарқ мамлакатлари халқаро меъморлик академияси мухбир аъзоси Камолитдин Раҳимов. — Бунда шаҳардаги хар бир жойнинг тарихий ва бугунги ҳолати, улардаги иморатлар, иншоотлар аҳоли ўрганиб чиқилади. Шундан кейин ушбу масканларда қуриладиган биноларнинг ўнлаб

йирик шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли бу ерда шаҳар марказига туташ нуктада халқаро анжуманлар, йиғилишлар бўлиб ўтадиган мухташам сарой қад ростлади. Шаҳарда кичик, тор кўчалар кўплиги сабабли бугунги кунда транспорт катновида маълум мураккабликлар юзага келган. Шунинг учун шаҳарда транспорт катновини яхшилаш, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида бу ерда кичик халқа йўли барпо этишга киришилди. Эндиликда бу йўл шаҳарнинг барча йўллари, кўчалари билан туташтирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси шаҳар қиёфасининг ўзгаришига хизмат қилмоқда.

Шаҳар қадим-қадимдан яшил боғлари, кўкаламзор масканлари, кўркем хиёбонлари, кўплаб сув йўллари билан донг таратган. Муаррихлар тарихий битикларда Афросиёбга қалайдан қилинган ариқларда сув етказиб берилганини, ҳовулар кўп бўлганини, темирйўллар даврида боғлар, дов-дарахтлар шаҳарга гўзаллик бағишлаб



чи ушбу оромбахш фавворалар шаҳарга гўзаллик бағишлаш билан бирга салкилик ҳам таратади. Шаҳарнинг ўзига хос эколандшафт тизими — яшиллик маскани Регистон майдони яқинидаги "Йўлбарслар хиёбони"да ҳам давом этади. Арчазорлардан иборат бу маскан оромгоҳни эслатади. Техникалар катновидан ҳоли қилинган бу яшиллик маскани "Йўлбарслар хиёбони"дан Бибиҳоним макбараси, Жомеъ масжиди ва ундан ҳам нари "Хазрати Хизр" зиёратгоҳига қадар етиб боради.

— Самарқанд замонавий ва миллий шаҳарсозлик асосида қайта қурила бошлаганидан кейин унинг бағрида кенглик, кўркемлик, ободлик юзага келди. Бу кенглик, кўркемлик, ободлик шаҳар кўчаларининг кенгайиши, иморатлар, биноларнинг режа билан қурилиши, янги йўллар, майдонлар, хиёбонларнинг қўпайиши ҳисобига бўлди, — дейди Самарқанд давлат университети профессори Суюн Каримов. — Кенглик, кўркемлик, ободлик эса хар қандай шаҳарнинг гўзаллигини, чиройини оширишга хизмат қилади. Бир эътибор беринг, кейинги йилларда шаҳар марказидаги майдон ва хиёбонлардан ташқари Мирзо Улугбек хайкали атрофида, Бибиҳоним макбараси яқинида, аэропорт, темир йўл вокзали олдида, Амир Темур

лаётган "MAN" юк ташини машиналари ва йўловчилар ташини учун мўлжалланган автобуслар республикаимиздан ташқари хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда, — дейди гуруҳ билан Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи директори Исмоил Эргашев. — Энг муҳими, ана шу корхоналарда фаолият юритаётган ишчиларнинг асосий қисмини коллежимизнинг солиқ ўқувчилари ташкил этишади. Бу ёшларнинг қалбида эса шаҳаримизнинг келажига юксак ишонч ифодасини топан.

Шаҳар тун қўйида, нурлар оғушида ажабтовур қиёфа касб этади. У гўё эрталардаги масканни эслатади. Шарқона гўзаллик, кўркемлик лафозат ва сеҳр билан уйғунлашади. Тун бағрида саноат ёриткичлари Самарқандни эмас, гўё Самарқанд саноат бағрини ёритиб тургандек таассурот қолдиради. Шаҳар ана шундай бахт-икболга Ватанимизнинг муқтақлиги, овоз ва ободлиги, давлатимиз раҳбарининг бекиёс эҳтиром туйғайли эришиди. Самарқанд йилдан-йилга кенгайиб, улувворлик касб этиб, ривожланиб бормоқда. Агар шаҳар ҳудуди 2010 йилда 875 квадрат километрини ташкил этган бўлса, у бугунги кунга келиб салкам 1200 квадрат километрга етди. Шаҳар аҳолиси сони ҳам ярим миллиондан ошди.



ди. Марказни эгаллаб турган баъзи корхоналар шаҳарнинг бошқа ҳудудларига кўчирилди. Бузилган эски иморатлар ўрнига замонавий, мухташам иншоотлар, меҳмонхоналар қурилди. Шаҳарнинг қок марказида Амир Темурнинг мақбараси хайкали қад ростлади. Янги хиёбонлар барпо этилди. Натижада шаҳар маркази шаклланди. Шундан кейин бу ерда миллий ва замонавий шаҳарсозлик маданиятининг янги намунасини яратишга киришилди. Иш шаҳарнинг маркази билан унинг шимолий-ғарбий ҳудудини боғловчи Мирзо Улугбек кўчасидан бошланди. Янги қурилишнинг, бунёдкорликнинг амалга ошиши учун айнан шу кўчанинг танланиши бежиз эмас эди. Ушбу кўчада Самарқанднинг қадим тарихига оид обидалардан тортиб XIX асрда Европа услубида қурилган иморатлар ўрни олган, шаҳар ҳаётида муҳим аҳамият касб этган виллоят бош шифонаси, савдо уйлари, банклар, Самарқанд давлат университети, Тиббиёт институтини, Кишлоқ ҳўжалик институтини бинолари ва бошқа кўплаб иншоотлар жойлашган эди. Иш кўчани кенгайтиришдан бошланди. Автобобилларнинг икки томонлама катновини таъминлашга хизмат қиладиган катта йўл бунёд

лар шаҳарнинг янги қиёфасига мос равишда яратилди. Айни пайтда, нихоятда обод қилинган Самарқанд темир йўл вокзал олди хиёбони ҳам Мирзо Улугбек кўчаси орқали шаҳар марказига туташтирилди. Умуман, бу кўча ўзида Самарқанднинг миллий ва замонавий шаҳарсозлик қиёфасини намоён қилди.

Кўп асрлик қадимиятга эга, тарихий ёдгорликларга бой бундай шаҳарни замонавий қиёфада барпо этишда меъморчилик соҳасида баъзи муаммоларнинг юзага келиши табиий ҳол. Айтайлик, пештоқли, айвонли, ўймакор ёғоч устунли, гумбазли қадимий обидалар ёнига Европа услубида қурилган иншоотини ёхд XX асрда тикланган безаклардан ҳоли бетон қопламали уйни ўзаро уйғунликда жойлаштириш қийин иш. Лекин бугунги замонавий шаҳарсозликда бу борада ўзаро уйғунлигин юзага келтириш ҳаётий заруратга айланган. Шунинг учун Самарқандда замонавий шаҳарсозлик қиёфасини юзага келтиришга интилаётган меъморлар лойиҳалаштириш жараёнида шаҳар қурилишининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олмақдалар. Улар, энг аввало, тарихий меъморчиликка хос хусусиятларини — мухташам, пеш-

Фирдавсмонанд шаҳар жамоли

Муаррихлар Самарқанднинг тарихда шаҳарсозлик жабҳасида гуллаб-яшнаган, тараққиёт этган, гўзалликда тенгсиз, обод шаҳарга айланган пайтнинг Амир Темур ва темирйўллар даври билан боғлайдилар. Бу бежиз эмас. Негаки, шаҳар ўша даврда бутунлай янгидан барпо этилган, Кўксарой, Оксаройлар, расадхона мадрасалар, қарвонсарой бозорлар, масжиди хонақоҳлар, чорбоғу боғлар бунёд қилинган, илм-фан, санъат, маданият ривожланган, етти иқлим мамлакатларининг пойтахтига айланган эди. Шу сабабли у нафакат Шарқнинг, балки бутун рўйи заминнинг сайқал тоналган, фирдавсмонанд шаҳри дея эътироф этилган.

Не бахти, Самарқанднинг олис ўтмишида унга нисбат берилган фирдавсмонандлик сифати эндиликда истиқлол туйғайли ободлик, кўркемлик маснадида етишган шаҳарнинг бугунги қиёфасида яна қайтадан бўй кўрсатмоқда. Шаҳарнинг қайси даҳаси ва мавзела борманг, қай кўча ва хиёбонидан юрманг, қайси маҳалласига кирманг бунёдкорлик, яратувчилик, қурилиш, ободчилик ишларининг амалга оширилаётганига гувоҳ бўласиз. Янгидан қад ростлаган бинолар, савдо расталари, маиший хизмат корхоналари, кенг йўллар кўзни қувонтиради.

Мамлакатимиз Президентини савий-ҳаракати билан Самарқандда олиб борилаётган бунёдкорлик, қайта қуриш, ободчилик ишларининг асосида уни юксак даражада ривожланган замонавий шаҳарга айлантириш юзаси билан биргаликда бу ерда илм-маърифатли миллатини қамол топтириш, соғлом авлоднинг вояга етказиш каби улуввор мақсадлар ҳам ифодасини топан. Эътибор беринг, бугунги кунда шаҳар аҳолисининг деярли ярмини ёшлар ташкил қилади. Шунинг учун бу ерда қурилган иншоотларнинг аксарияти — илм-

фан, маданият, спорт, санъат масканлари ёшларга хизмат қилмоқда. Айни пайтда, шаҳардаги 28 та касб-ҳунар коллежи, 12 та академик лицей биноларининг барчаси янгидан бунёд этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали ҳам миллий, ҳам замонавий шаҳарсозлик ананалари асосида қад ростлади. Бугунги кунда шаҳарда ёшларнинг соғлом авлод бўлиб вояга етишлари учун 7 та стадион, 125 та спорт зали, 300 га яқин спорт майдончаси, 6 та очик ва ёпиқ сув ҳавзалари фаолият юритмоқда. Ёшлар марказлари ишлаб турибди. Уларнинг ҳаммаси замонавий шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда мухташам тарзда тикланган. Булар ҳам шаҳарнинг фирдавсмонанд қиёфасини намоён этади.

Шаҳримиздаги ободлик, кўркемлик, гўзалликни катта ўзгаришлар, ангиланишларни кўриб ширлардан бири:

Дунёнинг ҳар етти мўъжизотларини
Кўзатдим, болалик ҳайратим сўйди.
Париж Токио, Вашингтон, Пекин...
Ойна ҳаётдан наздимга дўйди.
Барчаси гўзал, лек сўйма ҳайратим —
Танҳо сен ўзингсан — ҳур Самарқандим, —
дея фахр билан ёзган эди.

Ҳаёт давом этар экан, халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчилик руҳи ҳеч қачон сўймайди. Аждодларимиз қадимда буюк тарих, ўлмас мерос яратганлари каби бугунги авлодлар ҳам улуввор ишлари билан келажик буюк давлатнинг муқташам асосини барпо этмоқдалар. Шаҳримизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари шундан гувоҳлик беради.

Манзура РОЗИҚОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

Камол МАТЕҚУБОВ,
"Адолат" мухбири

➤ МУНОСАБАТ

“Ўзбекистон” телеканалда намойиш этилган “Хоинлик” номли курсатувни томоша қилар эканман, беихтиёр маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асаридаги ҳикматли жумлалар ёдимга тушди: “Хар бир кишининг туғулуб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Хар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Хатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор...”


Қаранг-а, баъзи бир кимсалар ўз киндик қони тўқилган Ватанига хоинлик қилиш даражасига бориб етса, бу қилмиши учун биз уларни ҳайвонга қиёсласак, мантқан тўғри бўлмас экан. Зеро, хаттоки ақлсиз жонивор ҳам бундай разиликка жад қилмас экан.

Одатда, эллик ёшли инсон деганда кўз олдимизда ҳаётнинг аччиқ-чучутини тогган, оқни қорадан ажрата оладиган, ёшларни тўғри йўлга қорлайдиган киши гавдаланади. Бироқ Шарифжон Асоров шу ёшида ҳам бировга насиҳат қилиш у ёқда турсин, хали ўзи бу дунёда яшайдиган мақсади нима эканлигини яхши англаб етмаган кўринади. Унинг ўтган умри давомида қилган қилмишлари, жиноятлари бунга яққол мисол бўлади. Ш.Асоров шу кунгача Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг турли моддалари билан 5 марта ба овозлиқдан маҳрум этилган. Яхшиликни, одамгарчиликни тушунаётганидан бу қабил кимса унга қайта ва қайта тубанлик ботқонидан чиқиб ва тўғри йўлга қайтиш учун берилган имкониятларини суистеъмол қилади. Ватанига хиёнат қилиш, халқ юзига оёқ қўйишдан қайтмаган Шарифжон Асоровнинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, юрини-тури-

ши шундай бўлган одамдан яна нимани кутиш мумкин, деган хулосага келасиз.

Янада ажабланирли томони, Ш.Асоров уч марта оила қурган. Дастлаб Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидан, кейин Тожикистон Республикасидан уйлланган. Бир қарашда аҳамиятсиздек кўринган бу жихат аслида хоинлик учун муҳим воқеа бўлиб хизмат қилган. Маънавий қашшоқлик, манқуртлик домига фарқ бўлган, моддий манфаат учун хар нарсасига тайёр бу кимса хар сафар гаразли мақсадни кўзлаб турмуш қурган. Бўлмаса онгли инсон бир марта хато қилгани, бундан хулоса чиқаради. Минг афсуски, Шарифжон Асоров кўриб-билиб эгри йўлда юришда давом этади. У жосуслик жиноятини Тожикистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида ишлайдиган қариндошлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

— Бунақа Ватан хоинларининг юртдан чиқиб шу юртда яшаётган бизларга ҳам уят, — дейди кўрсатув иштирокчиси, партияшохимиз, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаев. — Ичимиздан чиққан сотқин бизнинг сиримизни биллиб, қаерда нима бор эканини кимгадир бориб қилиши бў-



ўтакетган разиллик. Бундай нафс қулига айланган кимсалар элини, юртини, фарзандини, ота-онасини ўйламайди. Уларга фарқи йўқ. Харом иш бундайларга одат бўлиб қолган. Ўзини билган одам бундай гумроҳлардан нафратланади. Эрта бир кун эл уларнинг тобутини кўтармайди.

1996 йилдан буён қўшни давлат махсус хизматлари фойдасига жосуслик қилиш билан шугуллана бошлаган Шарифжон Асоров аввалига хоинлар сафини тўлдириши мумкин бўлган номзодлар ҳақидаги маълумотларни етказиб бера бошлайди. 2001 йилга келиб эса, у мамлакатимиз чегараларини қўпол равишда бузиб ўтиб, юртимизнинг чегара ҳудудларида, хусусан, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида жойлашган ҳарбий қисмлар, стратегик объектлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ва ҳокимият биноларининг манзиллари, уларда фаолият олиб бораётган ходимлар сони, ишлотлар қай тартибда қўриланиши ҳақида батафсил маълумотларни қўшни давлатдаги ҳамтовоқларига етказиб туради.

Ш.Асоров шу ёшида халқ орасида шарманда бўлмаслиги, бундай оғир иснодга қўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку? Ахир уни ота-онаси дунёга келти-

ганда мард, жасур инсон бўлиб вояга етиши, кексайганда уларга мадор бўлиши ҳақида орзу қилмаганими? Нега орадан шунча йиллар ўтиб, юрагини муз қоплаган, инсонийликдан бегона, ҳаётда аниқ мақсади йўқ, пул учун хар қандай разилликка тайёр одам пайдо бўлди?

— Бундайларнинг дўсти-ям, шеригиям иблис бўлса керак, — дея фикрини давом эттиради Т.Матибаев. — Ҳалол инсон ҳеч қачон жосуслик кўчасига қирмайди. Ўзини ўйламаса ҳам фарзандларини ўйлайди. Ота-онасини ўйлайди. Хоин кимсалар муқаддас ислом динимида ҳам қаттиқ қораланади.

Дарҳақиқат, иродаси заиф, маънавий қашшоқ одамдан яхшилик кутиб бўлмайди. Шарифжон Асоров ҳам тубанлик ботқонига ботган кимса. Унинг учун оила, оталик бурчи, нон-туз еган жойнинг кадр-қиммати зифирчалик аҳамиятга эга эмас. Уни нафс балосидан бошқа нарсани қизиқтирмайди. Ахир виждон азоби қийнаганда хоин, сотқин деган тавқи лаънатга қоллишдан қўчиган бўларди.

Ажабо, хоин кимсалар ўйламаптики, улар фарзандлари, авлодлари, набираларига Ватан хоинининг ўғли, қизи, набираси деган нафратни, оғир юкни

мерос қилиб қолдириб кетади. Шунчалар ҳам пасткашлик бўладими?

Энг ёмони, Шарифжон Асоров ўтган йиллар мобайнида қўшни давлатдаги ҳамтовоқларига доимий равишда маълумот етказиб келган. Боз устига бу ишга нафақат ўзи, балки таниш-билишларини ҳам жалб этишга ҳаракат қилган. Сирнинг катта-кичиги бўлмайди. Бугунги таҳликали замонда арзимасдек туюлган маълумот эртага катта фожиага олиб келиши мумкин. Ахир чегара ҳудудларимиз муҳим стратегик аҳамиятга эга. Орамизда биттагина хоин бўлса ҳам халқимиз хавфсизлигига таҳдид пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли хар биримиз масалага фаол фуқаролик позициясидан туриб ёндашишимиз, лоқайдлик, бепарволикни четга суриб, дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз лозим. Шунда фуқаролик позициясини унутган Шарифжон Асоровга ўхшаган сотқинларга ўрин қолмайди.

Жиноятга жазо муқаррар. Буни хоин Шарифжон Асоровнинг тақдирини нисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Замон ва макон танламайдиган бир ҳақиқат бор. Хоин асло кечирилмайди. Бу йўлга кириб, эл-юрт нафратига учраган кимса доимо лаънатланади, ўзидан хоин деган ном қолдиради. Негаки, унинг қилмиши бевосита халқ тинчлигига, юрт осойишталигига дахл қилади.

Зеро, она Ватаннинг қадрига етмаган, ўз ота-боболари, аждодлари ҳокими тоғташга ҳаракат қилаётган разил кимсалар умри хору зорликда ўтиши муқаррар.

Зарафшон КАЛАНДАРОВА,
“Adolat” мухбири

**Хуқуқий
масалаҳат**

➤ Транспорт воситасида ҳаракатланиш пайтида бир ҳолатнинг тез-тез гувоҳи бўлган. Йўл патруль хизмати инспекторлари уйлар ёки дарахт паналарида яшириниб ишлашади. Шу тўғрими?

О.Ўлмасов, Фарғона вилояти

— Йўл патруль хизмати фаолиятини ташкил этишга оид амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга асосан, йўл патруль хизмати инспектори ҳаракат иштирокчиларининг “Йўл ҳаракати қоидалари”га қандай риоя этаётганликларини очиқ (одатдаги), яширин ва аралаш тарзда текшириши мумкин.

➤ Хайдовчи қондани бузмаганман деб, ИПХ инспектори билан баҳслашиб қолди. Аниқроғи, инспектор томонидан тузилётган баённомага имзо чекишдан бош тортиди. Бундай ҳолатда унга нисбатан қандай таъсир чоралари қўлланилади?

Н.Жўраева, Бухоро вилояти

— “Йўл ҳаракати қоидалари”ни бузган шахсларга нисбатан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими ҳуқуқбузарлик содир этилган жойининг ўзида маъмурий баённома расмийлаштиради.

Агар маъмурий баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда тузиш имкони бўлмаса, маъмурий баённома тузишга вақолати бўлган мансабдор шахс яқин орадаги ички ишлар органларида, транспорт воситаларининг тўхташ жойларида маъмурий баённомани расмийлаштириши мумкин.

Ҳуқуқбузар маъмурий баённомага ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қўйишга, шунингдек, мазкур маъмурий баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир. Ҳуқуқбузар маъмурий баённомани имзолашдан ёки ёзма тушуштириш беришдан бош тортиш тақдирда баённомага бу ҳақда уни тузган шахс томонидан ёзиб қўйилади.

Бунда гувоҳлар ёки ҳолислар иштирокида далолатнома (ҳайдовчининг содир этган ҳуқуқбузарлиги факти ва унинг маъмурий баённомага имзо қўйишдан бош тортиши ҳолати бўйича) тузилади ва маъмурий баённомага илова қилинади.

Бундай ҳолатларда маъмурий иш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245-моддасига асосан, қонун доирасида кўриб чиқиш учун суд идораларига юборилади.

➤ Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби ва тўловлари ҳақида маълумот берсангиз.

З.Мажидова, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига кўра, йўловчи ташиш билан шугулланувчи, шунингдек, хавфли юкларни олиб юришга мослаштирилган транспорт воситалари бир йилда икки марта техник кўриқдан ўтказилади. Ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари эса икки йилда бир марта, ишлаб чиқарилганига беш йилдан ошган транспорт воситалари бир йилда бир марта техник кўриқдан ўтказилади. Техник кўриқдан ўтиш учун автобус, юк ва енгил автомобилларга энг кам иш ҳақининг 10, мототранспорт, тиркама ва ярим тиркамаларга энг кам иш ҳақининг 5 фоизи миқдорда тўлов белгиланган.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ инспектори, капитан Акмал ЮНУСОВ жавоб берди.

➤ Қонунчилигимизда уй-жойни ижарага бериш шартномасининг қандай муддатлари кўрсатилган?

Х.Ахмедова, Ховос тумани

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 612-моддасига кўра, уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у беш йилга тузиладиган ҳисобланади.

➤ Уй-жой ижара шартномасини расмийлаштиришда нотариус томонидан қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Б.Қурбонова, Гулистон шаҳри

— Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган қўчмас мулк (уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқалар) ижарага берилишида ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда нотариус қўйидаги талаб қилинади:

қўчмас мулк объектининг кадастр йиғмажилди. Бунда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, Бинолар, ишоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда қўчмас мулкнинг умумий майдони ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган тегишли ҳужжатлардан нусха олиниб, кадастр йиғмажилдининг асли қайтариб берилади; ижарага берилаётган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий прописка қилинган шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруш органи ёки ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтаридан қўчирма ҳамда доимий прописка қилинган шахсларнинг розилиги.

Агар: қўчмас мулк умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларнинг (эр-хотиннинг) розилиги; вассийликдаги шахсга қарашли бўлган қўчмас мулк ижарага бериладиган, вассийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги;

хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ижарага бериладиган, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган хусусийлаштириш розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиги.

Саволларга Ховос тумани ДНИ нотариуси Ширини ҚАРШИЕВА жавоб берди.

➤ МУСОБАҚА

Чилонзор туман ҳокимлиги, туман мудофаа ишлари бўлими, Ўзбекистон “Адолат” ОДП Чилонзор туман кенгаши, “Камолот” ЁИХ туман бўлими, ўрта махсус касб-хунар таълим бошқармаси, “Ватанпарвар” ташкилоти, касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳридаги “Бунёдкор” марказий стадионида ўқувчи-ёшлар ўртасида “Шунқорлар — 2016” ҳарбий-спорт мусобақасининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

**“ШУНҚОРЛАР”
беллашуви**

Тадбирда Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган 17 та касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчиларидан тузилган жамоалар мусобақа низомида белгиланган бир неча спорт турлари бўйича жисмоний тайёргарлигини намойиш этиб, ҳарбий соҳага оид билан ва амалий қўниқмаларини синовдан ўтказишди.

— Бу каби тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги дастурнинг 14-банди ижросини таъминлаш ҳамда ўқимчиларни ҳарбий хизматга ва олий ҳарбий билим юртиларига киришга тайёрлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тартиб қилиш, ёшларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб қилишга қаратилган, — деди Чилонзор туман мудофаа ишлари бўлими чакирлувчиларини ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлими бошлиғи Шерзод Хикматов.

Спорт мусобақасида ўқувчи-ёшлардан иборат жамоалар гуруҳларга бўлинган ҳолда баҳс олиб боришди. Иштирокчилар саф қўшири, турникда тортилиш, граната улоқтириш, тўсиқлардан ўтиш, масофага югуриш каби ҳарбий-спорт тайёргарлик шартлари ҳамда «Президент асарлари билимдони» йўналишида куч синашишди.

— Юртимизда биз, ёшларнинг замонавий таълим олишимиз, жисмоний чиникишимиз учун барча шароит яратилган, — дейди Тошкент педагогика коллежининг “Тумарис” жамоаси сардори Юлдуз Раззокова. — “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақаси мен учун ўзинга хос синов бўлди, десам янглишмайман. Айнан шу мусобақага тайёргарлик қўриш асосида ҳарбий касбга янада ҳавасим ортиди. Бу ерга келган хар бир жамоа ғолиб бўлишга интилади. Беллашув асосида ёшлар жисмонан бақувват, соғлом фикрли, билимдон, юксак маънавиятли эканликларини намойиш этишди.

— Болалигимдан ҳарбийларга ҳавас қиламан, — дейди 1-Республика тиббиёт коллежининг “Шунқорлар” жамоаси сардори Бунёд Акромов. — Шу боис “Шунқорлар” ҳарбий-спорт беллашуви мен каби кўплаб тенгдошларимнинг сеvimли мусобақасига айланиб улгурди. Мазкур тадбирга уч йилдан бери қатнашиб келаман. Бундай беллашувлар ўқувчиларнинг жанговорлик ва ҳарбий-спорт чиниқувларидан ташқари ҳарбий-ҳуқуқий билимларининг ошиб боришга хизмат қилмоқда.

Мусобақада 1-Республика тиббиёт коллежи жамоаси биринчи ўринга, Республика мусика ва санъат академик лицейи жамоаси иккинчи ўрин, Тошкент педагогика коллежи жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди. Ғолиб жамоалар ва энг фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ф.Жўраев,
“Adolat” мухбири

**ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА
ЧЕК ҚЎЙИЛДИ****➤ БОЖХОНА БЕКАТИ**

Республикаимиз божхона чегаралари орқали товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилиши олдини олиш мақсадида Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда тезкор тадбирлар давом эттирилмоқда.

Юртимизда бозор муносабатларини қуқуқлаштириш, иктисодиётни, шунингдек ташиқ иктисодий фаолиятини янада либераллаштириш, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, соғлом рақобатни қучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аммо айрим қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар берилаётган имкониятлар ва яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ўрнига мўмай даромад илгичида амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, товар-моддий бойликларни божхона назоратидан яширинча олиб ўтишга уриниш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари йирик миқдордаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйишди. Божқарманинг “Чуқурсой” ташқи иктисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан темир йўл контейнерида Тошкент шаҳридаги корхоналардан бирининг номига Хитойдан келтирилган юклар ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, унда божхона юк декларацияси ва

унга тегишли йўл-юк кузатув ҳужжатларида қайд қилинган



миқдордан 6,5 тонна ортиқча, қиймати 194 миллион сўмлик газламалар ортилгани маълум бўлди...

Амалдаги тартибларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасига сифатсиз ёки қалбақиллаштирилган дори воситаларини, шунингдек, республикаимизда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини импорт қилиш тақиқланади. Олиб кирилаётган дори-дармон воситалари эса давлат тилида марказлаштирилган шарт.

“Москва—Тошкент” йўналиши бўйича йўловчи поездда кириб келган фуқаро С.Амиров (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) мазкур тартибларга риоя қилмай, қиймати 22 миллион сўмдан ортиқ бўлган 10 турдаги 1100 донадан ортиқ дори-дармон воситаларини божхона назоратидан яширинча олиб киришга уринган пайтда “Келес” чегара-божхона пости ходимлари томонидан тўхтатиб қоллинди.

Шунингдек, пост ходимлари мазкур поезднинг яна бир

Шу ўринда юртдошларимиздан божхона қоидабузарликлари юзасидан Давлат божхона қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 120-76-33, 120-76-76 “Ишонч телефонлари”га кўнгирок қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтаимиз.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизмати

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳар томонлама тараққий этапти. Юртимиз Жаҳон иқтисодий форумининг рейтинг натижаларига кўра, дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта давлат қаторидан жой олгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети ўтказган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси"да 158 та мамлакат ўртасида қирқ тўртинчи поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллагани бунинг яққол тасдиғидир.

Сўнгги йилларда жаҳоннинг "Standard & Poor's", "Fitch Ratings" ва "Moody's" сингари нуфузли халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини "Барқарор" даражасида баҳолаётти.

Шунингдек, Халқаро валюта жамғармасининг 2015 йилдаги миссияси ҳам юртимиз банк тизими барқарорлик, изчил капиталлашув ҳамда юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолаётганлигини алоҳида таъкидлади. Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтингига кўра эса, Ўзбекистон "Кичик бизнес субъектларига кредит бериш" деб номланувчи кўрсаткич бўйича сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 поғона яхшилади.

Шу билан бирга, 2015 йили АҚШнинг "Global Finance" журнали томонидан дунё марказий банклари орасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки алоҳида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас.

Бундай ижобий фикрлар мамлакатимизда фаолият юритаётган турли ташкилот ҳамда муассасалар томонидан ҳам билдирилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Жумладан, "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази бир неча йилдан буён жамият ривожига банкларнинг ўрни нечоғли аҳамият касб этаётганини аниқлаш мақсадида сўровлар ўтказиб келаяпти ва унга аҳоли ҳамда тadbirkorлар фаол жалб қилинмоқда. Тадқиқотлар натижалари эса оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётир.



Ижтимоий фикр: ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҲКАМ ВА ИШОНЧЛИ БАНК ТИЗИМИГА ЭГА

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРГА МУНОСИБ БАҲО

Яқинда марказимиз томонидан юртимиз банк тизимининг 2016 йил биринчи чорағидаги фаолиятига бағишланган навбатдаги сўров ўтказилиб, унда республикамизнинг барча ҳудудидан реал сектор корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари вакиллари, ёшлар ҳамда хотин-қизлар қатнашди. Респондентларни танлашда тadbirkorликнинг барча йўналиши — оилавий бизнес, дехкон ва фермер хўжаликлари, яқка тартибдаги тadbirkorлар, кичик корхона ҳамда микрофирмалар қамраб олинди. Натижада "Юртимиз банк тизимида тadbirkorлик субъектларига яратиб берилаётган қулай шарт-шароитларни қандай баҳолайсиз?" деган дастлабки саволга қатнашчиларнинг 98,5 фоизи ижобий фикр билдирди.

Сўровларни ўтказиш жараёнида, шунингдек, "Худудлардаги қайси тижорат банкларининг фаолияти эътирофга лойиқ?" деган саволга "Агробанк", Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, Халқ банки, "Ўзсаноатқурилишбанк", "Микрокредитбанк", "Қишлоқ қурилиш банк", "Ипак йўли" банки, "Азия альянс банк", "Ипотека-банк", "Ориент финанс банк" ва "Трастбанк" филиаллари худудларда кўпроқ эътиборга молик" деган жавоб олинди.

Маъқур сўровлар жараёнида "Ушбу банкларнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?" деган саволга 97,9 фоиз иштирокчи ижобий баҳо берди. Бунда Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги тadbirkorлар фаол қатнашгани, айниқса, эътиборга лойиқдир.

"2016 йилнинг I чорағида банклар томонидан кўрсатилган хизмат турларидан мамнунийсиз?" деган саволга эса респондентларнинг 98,8 фоизи "Қулай ва осон янги хизмат турлари жорий этилган, маслаҳат бериш ҳамда муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатилади", "Омонатларни сақлаш бўйича барча ишлар ўз вақтида бажарилади", "Белгиланган тартибга тўла амал қилинади, қонунбузилишларига йўл қўйилмайди" каби жавобларни беришди.

МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК МИЖОЗ УЧУН

Сўров давомида ўртага ташланган масалалардан яна бири кредитдан самарали фойдаланганлик даражасини аниқлаш эди. Яъни тadbirkorларга ўз фаолияти давомида тижорат банклари сармояларидан фойдаланиб, қандай натижага эришгани ҳусусида берилган саволга 98,5 фоиз респондент ижобий фикр билдирди.

Мисол учун, ТИФ Миллий банки томонидан Нукус шаҳридаги "Титан ДСЗ" масъулияти чекланган жамиятига шағал ва тош майдалагич технологиясини сотиб олиш учун 1,3 миллиард сўм маблағ ажратилган, бу ерда 2,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, "Жомбой жа

воҳири" МЧЖга берилган 7,2 миллиард сўм миқдоридagi кредит эвазига 1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилган. Худди шундай кўрсаткичларни "Ўзсаноатқурилишбанк" миқдори — "Elite stars textile" корхонаси, "Ипотека-банк" ҳамкори — "Ангрен РАСК" акциядорлик жамияти фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Сўровда иштирок этганлар тижорат банклари ажратаётган микрокредитлар аҳамиятини ҳам алоҳида қайд этишди. Яъни уларнинг 98,7 фоизи "Микрокредитлар аҳолига қулайликлар яратиб, қишлоқ жойларда ёшларни иш билан таъминлашда муҳим омили бўлаётти", деган жавобни кўрсатишди.

Қатнашчиларнинг 97,7 фоизидан "Микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка қишлоқ худудларида тadbirkorликни ривожлантиришга керак бўлган бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратмоқда", 97,9 фоизидан "Ишбилармонлик билан шуғулланмоқчи бўлган касб-хунар коллежи битирувчиларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашида бош омили бўлмоқда" каби жавоблар олинди.

Шунингдек, "Банкдан кредит олиш имконияти ҳамда кредит олишга қўйилган талабларга қандай баҳо берасиз?" саволига уларнинг 98,9 фоизи "Кредитлаш тартиблари тadbirkor учун жуда қулай ишлаб чиқилган, шунинг учун қисқа муддат ичида маблағ олиб, мустақил бизнесни бошлаш имконияти юқори", деган тўхтамга келганлиги ҳам қўвонарлидир.

Бундан ташқари, "Банкда ташкил этилган "Тadbirkorлар хонаси" та

"Трастбанк"нинг Термиз филиалига мурожаат қилиб, қисқа фурсат ичида 350 миллион сўмлик кредит олгандик. Ушбу сармояга Хитойдан вафли ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологияни келтирдик.

Айни пайтда корхонамиз тўлиқ қувват билан ишляпти. Аҳоли дастурхонига кунига йн икки турдаги икки тонна вафли етказиб бераёلمиз. Даромадимиз ҳам чакки эмас. Келгусида маъқур банк кўмағида янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни режалаштирганмиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, тadbirkor натижаларидан тижорат банкларидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳам тобора яхшилана бораётгани маълум бўлди. Ушбу йўналишдаги ишлардан респондентларнинг 97,8 фоизи мамнун эканлиги бунинг яққол тасдиғидир.

БАНКЛАР — ЁШЛАРНИНГ КўМАКЧИСИ

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, хусусан, жамиятда навқирон авлод фаоллигини юксалтириш банк тизимининг доимий диққат-эътиборида турибди. Буни биргина кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик соҳасида навқирон авлод вакилларининг сафи тобора кенгайиб бораётгани миқдорида ҳам кўриш мумкин. Чунки рес

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Айтиш жоизки, юртимизда жорий йилнинг Президентимиз таклифи билан "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши ҳамда шу асосда Давлат дастурининг қабул қилиниши иқтисодиётимиз равиқида муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, маъқур Дастурда банк тизими олдида ҳам муҳим вазифалар қўйилди. Чунончи, тижорат банклари томонидан худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аёллар тadbirkorлиги, оилавий бизнес ҳамда хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, ёшларни ишбилармонликка кенг жалб қилиш мақсадлари учун жами 2 триллион сўмга яқин кредитлар ажратилиши белгиланган.

Марказимиз шуларни инобатга олган ҳолда, иштирокчиларга ушбу йўналишда ҳам бир неча саволлар билан мурожаат қилган эди. Натижада ижтимоий сўров қатнашчиларининг 98,9 фоизи "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида банк тизими олдида қўйилган устувор вазифалар изчил амалга оширилиб келинаётганини таъкидлашди.

ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ЭЪТИРОФИ

Сўров жараёнида, шунингдек, хорижий инвесторларнинг фикрларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Яъни унда иштирок этганларнинг 98,8 фоизи банкларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаган.

— Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлақати, — дейди "Ko-Ung Cylinder" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси раҳбари Жанг Жаи Гук. — Банкларингиз томонидан кўрсатилаётган сифатли ҳамда тезкор хизматлар биз каби тadbirkorлар ишига барака бағишламоқда. Мисол учун, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида автомобиллар учун газ баллонлари ишлаб чиқаришга доир лойиҳамизни амалга оширишда банкнинг 5,4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредитидан фойдаландик. Ушбу маблағ эвазига замонавий технологияни олиб келиб ўрнатдик. Бунинг ҳисобига 112 нафар ёш мутахассисни иш билан таъминладик.

Бу банкларда барча учун қулай шарт-шароитлар яратилганини шарофатидир. Бунинг учун давлатингиз раҳбари ва ҳукуматингизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

МИНИБАНКЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда 26 та тижорат банки фаолият юритаётган бўлса, шундан 7 таси хусусий, 5 таси чет эл капитали иштирокидаги молия муассасасидир. Худудларда эса уларнинг 854 та филиали ишлаб турибди.

Айтиш жоизки, тижорат банкларининг 2 минг 221 минибанки ҳамда махсус кассаси олис қишлоқларда жойлаштирилгани молиявий хизматлардан ўша худудларда яшовчи аҳолининг фойдаланиш имкониятини ошираяпти.

Ўтказилган сўров натижаларига кўра, "Минибанкларнинг ишлаш жараёни қандай баҳолайсиз?" саво

лига респондентларнинг 98,7 фоизи "Минибанклар фаолиятимиз ривожига муҳим аҳамият касб этаётти, улар талабга тўлиқ жавоб беради", деган ижобий фикр билдиргани бунинг тасдиғидир.

ПЛАСТИК КАРТЧКА — КАФОЛАТЛИ ТўЛОВ ВОСИТАСИ

Бугунги кунда бутун дунёда оммалашган пластик картчалар билан товар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олиш усули мамлакатимизда ҳам тобора ривожланмоқда. Аниқроғи, пластик картчалардан фойдаланиш ҳалқимиз турмуш тарзининг ажратмас қисмига айланиб улгурди.

Президентимизнинг "Пластик картчалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ижтимоий сўров жараёнида одамларнинг маъқур йўналишдаги ишларга бўлган муносабатини билишга ҳам ҳаракат қилинди. Пировардида респондентларнинг 98,9 фоизи "Пластик картчка — жуда қулай, ҳавфсиз ва ишончли тўлов воситаси", деган фикрда эканлиги аён бўлди.

— Банк пластик картчасидан мунтазам фойдаланаман, — дейди Тошкент радиотехника коллежи ўқитувчиси Бекзод Давлатов. — Сабоби, ҳозирги кунда барча савдо шохчаси тўлов терминаллари билан таъминланган бўлиб, улар узлуксиз ишлаб турибди. Ҳатто, дехкон бозорларимизда ҳам терминаллар мавжудлигини айтмайсизми? Бу, албатта, аҳоли учун жуда катта қулайлиқдир.

Пластик картчанинг яна бир афзал томони шундаки, эндиликда ундаги қолдиқ суммага бир йилда камида 9 фоиз миқдорида даромад ҳисобланаётти. Шунингдек, картчкадаги маблағларни омонат сифатида жамғариб бориш ҳам мумкин.

КРЕДИТЛАР — ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХўЖАЛИКЛАРГА

Таъкидланганидек, банк кредитлари иқтисодиётнинг барча тармоғи, шу жумладан, томоҳка хўжалигини ривожлантиришда ҳам қўл келмоқда. Бу ўтказилган сўров натижаларида ўз тасдиғини топти. Респондентларнинг 97,6 фоизи ўз жавобида "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажминини кўпайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар аҳолига қулай шарт-шароитлар яратаётганини" қайд этди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижаси жорий йилнинг биринчи чорағида юртимиз банкларига ёшларга оид давлат сиёсати, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури, худудларнинг саноат соҳасини ривожлантириш дастурлари доирасидаги устувор вазифалар ижроси ўз вақтида ҳамда сифатли ижро этилаётганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими томонидан амалга оширилаётган бу каби ҳаётбахш ислохотлар эса, тadbirkorликни янада ривожлантириш орқали ҳалқимиз фаровонлиги ва иқтисодиётимиз соҳасини бундан-да юксалтиришдек эззу мақсадларга хизмат қилаётгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Уларнинг фикрига кўра, ушбу кредитлар нафакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажминини ошириш, балки бозорларда файзу барака ва нархлар барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилаётти.

АЙЛАНМА МАБЛАҒ — КОРХОНАГА МАДАД

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида банк тизими олдида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини айланима маблағлар билан таъминлаш юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Эътиборлиси, ўтган вақт мобайнида молия муассасалари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилиб, сезиларли ютуқларга эришилаёттир.

Бунинг ўтказилган ижтимоий сўров жараёнида айнан шундай корхоналар вакиллари ҳам тасдиқлашди. Унда 98,5 фоиз респондент "Банклар то

монидан корхоналарга айланима маблағлар ўз вақтида ажратилмоқда, улар ҳар бир корхонага яқин ва ишончли ҳамкор бўлиб хизмат кўрсатмоқда", дея ижобий фикр билдирди.

— Корхонамизда ўтган даврда 3 турдаги калава-ит ишлаб чиқарилиб, асосий қисми экспортга йўналтирилди, — дейди "Jizzax kenteks" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мўмин Сиддиқов. — Бунда бизга банк томонидан айнан айланима маблағ учун ўз вақтида сармоя ажратилгани қўл келди. Энг муҳими, кредит олишда ҳеч қандай муаммо йўқ. Банкларимизда ресурс етарли. Шу боис биз, ишбилармонларни доимий қўллаб-қувватлаб келаётган банклар мутасаддиларига миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ўз навбатида, биз ҳам юртимиз экспорт соҳасини мустаҳкамлашишга муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз.

АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР НАТИЖАЛАРИ

Чорак якуни бўйича ўтказилган ижтимоий сўровда давлатимиз раҳбарининг тadbirkorликни ривожлантириш борасида қабул қилинган Фармон ҳамда қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тартиб қилиш мақсадида республика Марказий банки, Бош прокуратура, Савдо-саноат палатаси ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган учрашувлар юқори натижа бераётгани маълум бўлди. Эътиборлиси, респондентларнинг 98,9 фоизи бундай тadbirkorларни кўпроқ ўтказиш таклифини билдирди.

Уларнинг 97,3 фоизи тижорат банклари томонидан олис худудларга йўналтирилаётган имтиёзли кредитлар жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда, айниқса, оилавий тadbirkorлар сонини кўпайтириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари ташкил этишда катта ёрдам бераётганини таъкидлашди.

Бундан ташқари, худудлар саноат соҳасини кучайтириш ҳамда инвестиция дастурларига қиритилган лойиҳалар рўйида банклар томонидан ажратилаётган кредитлар яқин самара бераётганини респондентларнинг 97,8 фоизи қайд этди, бунда кредит олиш тартиби соддалаштирилганини алоҳида таъкидлаган.

"Банк тизими томонидан 2016 йилнинг I чорағида амалга оширилган ислохотларга қандай баҳо берасиз?" деган якуний савол доирасида респондентларнинг 98,8 фоизи юртимиз банк тизими томонидан олиб борилаётган ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирган.

МИЛЛАТИМИЗНИНГ БУЮК СИЙМОСИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шу ўринда Сохибқирон шахсияти ҳақида бироз тўхталиб ўтсак.

Аввало, бобомиз ҳар бир ишда меъёрни билган, нафси тия олган, пок инсон эканлигини айтмоқчи эдим. 27 мамлакатни бўйсундирган жаҳонгир ҳақида Низомиддин Шомий «Зафарнома» асарига шундай ёзади: «Амирлар Сохибқирондан маълум бир ҳудудни ишғол этиб, ўлжа олишга изн беришини сўрайди. Амир Темур эса уларга рад жавобини беради. Сабабини сўраганида, ўзимга бўлган роҳатдан кўра, ўзгаларнинг ҳузур-ҳаловатини, уларнинг аҳволини ўйлаш мен учун афзалроқдир, деган». Дунё аҳлини ҳайратга соладиган яна бир жиҳат борки, Сохибқирон бобомиз бирон марта ҳам жанг майдонидан бош этиб чиқиб кетмаган! Алоқатпарвар бобомиз ҳаётини қанчалик чуқур ўргасак, маънавиятимизни шунчалик бойитамиз.

— Сизнинг халқимиз ўтмишига бағишланган асарларингизни яхши билмиз. Ижодингизда улў Сохибқирон бобомиз Амир Темур сиймоси етакчи ўрин тутди. Бу мавзуга қизиқишингиз қандай пайдо бўлган?

— Собик тузум даврида Амир Темур ҳақида гапириб бўлмас эди. У ҳақда нимадир ёзган кишилар дашномга қоларди. «Гум-баздаги нур» достонини 1967 йилда ёзгандим. Тарихимизни ёзишга табу қўйилган йиллар эди у паллалар... Лекин адабиётда шундай усуллар борки, у ёзувчининг топқирлиги туфайли дунёга келади. Асарни ёзишмдан мақсад — Амир Темурнинг амалга оширган ишларини иложи борица улўлаш. Лекин буни очик гапириб бўлмасди. Мен даставвал тарихимизга, Амир Темурга бағишланган бир-иккита шеърлар ёздим. Амир Темур макбарасини асар объекти қилиб олдим, чунки унинг ичида биз кўрсатмоқчи бўлган Сохибқирон ётарди. Макбарани қуришда турли ҳудудлардан меъморлар келтирилган экан. Масалан, хориждан ҳам, ўзимиздан ҳам. Мен ўзи-

мизнинг меъморларни — ўн икки меъморни қахрамон қилиб олдим. Бунда чуқур маъно бор. Достоннинг дастлабки вариантлари Россияда ўқиб юрган пайтларимда қорозга туширгандим.



Тарихга бўлган қизиқишим ўша пайтлардан бошланган.

— Сиз билан суҳбатимиз мавзуси ҳазрат Сохибқирон ҳақида борар экан, табиийки, гап «Улў салтанат» асарингизга бориб боғланади...

— Дунё аҳлини бахтли қилмоққа бел боғлаган Сохибқирон ўз фарзандларини бахтли эта олди — мана шундай инсоний муаммолар диққатимни ўзига жалб қилди. Буни таъкид этиш тарихнинг эмас, адабиётнинг вазифасига қиради.

Бобокалонимизнинг оилавий ҳаётини ёритиш учун масалага чуқур мулоҳаза ва катта билим воситасида ёндошмоқ зарур. Яъни, фақат воқеалар тафсилоти ширини шарҳлаш ёки баъдий халқнинг яратилган эҳсал, маънавий масалалар талқинида ҳам ўша давр руҳидан келиб чиқиб, маълум эстетик таъомилларни белгилаб олиш фойда муҳим саналади. Негаки, Шарқда бировнинг рўзғори, қиз ёки опа-сингиллари ҳақида ошйқча нарсаларни ёзиш таомилда учрайвермайди. Сохибқирон салтанатига аёлларга муносабат ҳақида Ибн Арабшоҳ бундай ёзади: «...хотинларга тил теккизиш уларда катта айб бўлиб, фойда гуноҳ ҳисобланади. Хатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қил-

май, уларнинг ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар ҳақда «Бу нарсига амал қилинлар», деб доимо уқтирадилар». Демак, ана шундай одоб пардаси теурийлар шахсий ҳаётини

бўлмаса, у раҳбарликка лойиқ эмас», деганлар). Натижада Сохибқирон саройида жасоратли, мард, тиришқок, халол, ўз фикр-мулоҳазаларини ошқора айта оладиган очик юзли мансбдорлар тўпланиб, улар давлатга садоқат билан хизмат қилганлар. Амир Темурга замондош ва унинг фарбга юришларининг бевосита шохиди бўлган италиялик тужжор Белтрамус де Мигнелли ўзининг 1416 йилда ёзган «Темур ҳаёти» асарида Сохибқирон атрофида жамланган, у билан ҳар кун мулоқотда бўлган аъёнлар ҳақида: «Темурнинг кишилари жуда ҳам кўркем эди, улар насл-насабига кўра ҳам улўвор кўринарди. Улар олий ҳусусиятли, фаросатли, машҳур, ёшига қараб мансбдор бўлган кишилар эди... Темурнинг шундай одамлари бор эдики, улар араб, юнон, ҳибру (яхудий) ва бошқа қатор тилларни биларди, осмон илми (астрономия), геометриядан машҳур эдилар», деб ёзади.


— Шахрисабз қадимдан Шарқда турли сифатлар билан улўланган шаҳар. Амир Темур тақдирининг бу шаҳар билан боғлиқ бежиз бўлмаса керак?

— Буюк инсонлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уларнинг шахс сифатида шаклланишида макон ва оиланинг ўрни катта. Мана, Темурбекни олайлик: у қандай замонда, қай маконда тарбия топди? Хўш, Кеш ўша пайтларда қандай шаҳар эди?

Кеш шаҳри барча манбаларда илм-фан, савдо-сотик ривожланган ва буюк инсонлар яшаган ҳосиятли макон сифатида тилга олинади. Хусусан, бу манзилнинг буюк уламолари йиғилган жой эканлиги эътироф этилган. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун баъзи воқеаларни тилга олиб ўтамиз. Масалан, илм аҳли буюк муҳаддислардан сабоқ олиш ва уларнинг фазилат нурларидан баҳраманд бўлиш учун шу муборақ шаҳарга таъриф буюриб туришган. Улардан бири — Абул Ҳусайн Муслим ибн Хажжож ал-Кушарий ан-Ниспо-

пурийнинг шаҳарга келиб, замонасининг йирик билимдон олими Абдаъ ибн Ҳамид ал-Кешийдан сабоқ олганлиги тарихий манбаларда аниқ қайд этилган. Албатта, бу ерда бундай фозил олимлар кўп бўлиб, уларнинг барчасига яшаш ва ишлашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган эдиким, буларнинг шарофати билан улўвор Кеш «Куббат ул илм вал-адаб», яъни «Илму адаб куббаси» деган шарафли номга сазовор бўлган эди.

Муҳаммад Тарағай ўз даврининг илми, маърифатпарвар, бой-бадавлат, ўзига тўқ кишилардан бири эдиким, ўгли Темурбекнинг етарли тарбия олиши, ўз замонасининг етук кишиси сифатида шаклланиши учун барча имкониятларни яратиб берган эди.



— Сохибқироннинг «Куч — адолатда!» шiori маълуму машҳур. Бу ёрқин ғоя бугунги кунда адолатли фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг шiori этиб олингани бежиз эмас. Сохибқирон бугун ҳаёти давоида интилан адолатли давлат бугун Ўзбекистон мисолида рўёбга чиқмоқда.

— Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сайлов олди дастурида адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ

ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, «Адолат — қонун устуворлигида» таъомиллини амалиётга янада кенг жорий этиш устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган.

Буюк Сохибқироннинг ҳаёти эса «Куч — адолатда» деган ҳикмат билан йўрилган. Тарихда қудратли салтанатлар ва ҳукмдорлар кўп ўтган. Бироқ буюк инсон сифатида ном қолдириш учун фақатгина куч-қудратнинг ўзи қамлик қилади.

Адолат — одамлар учун фозил дунёга мазмун берувчи қилқатдир. Инсоннинг қуввати, гуруҳ ёки жамоанинг бирлиги ва ниҳоят, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати ҳам адолат туфайлидир. Адолат йўқ жойда кишилар ҳаёти кадр-кимматини уш-лаб турадиган ҳеч нима қолмайди. Адолат бор ердагина мурув-

кин», деб ёзади фаранг файласуфларидан бири. Бу ҳикмат худди Амир Темур ҳақида айтилгандек. Сохибқироннинг жаннатмакон, муаззам боқлари бутун халқ учун очик ва барча эркин кириб-чиқиши, мевадаридан баҳраманд бўлиши мумкин эди. Бу, ҳукмдор ўзининг барча фуқароларини бирдек севишидан, иззатлашидан дарак эмасми? Муаррихлар Сохибқироннинг ана шундай инсонпарварлик хислатларини ҳавас билан тасвирлаб, Амир Темурга шахс сифатида ҳам, ҳукмдор сифатида ҳам ўрнили таъриф беришди. Масалага ҳолис ёндашиб, тан олиш керакки, бундай адолатли, инсонпарвар ҳукмдорлар қўхна тарих бисотида қамдан топилади.

Россия императорлик жуғрофий жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д.Логофет 1913 йил Санкт-Петербургда нашр этилган «Бухоро тоғлари ва текисликлари» китобида Амир Темур ҳақида шундай ёзган: «Оврўпада конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда... унинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси мавжуд бўлган ва амал қилган».

Амир Темур давлатида қонунларга риоя қилишни шу қадар жиддий қўйгандики, қонунни бузганлиги учун юқори лавозимдаги мансбдорлар, хатто ўзининг энг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазолашга буюрган. Қонунчилигини шу даражада мустаҳкам ўрнатилиши мамлакатда тинчлик ва осоиштаклигини барқарорлигини таъминлаган.

«Темур тузуқлари»да шундай ёзилган: «Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолати нисфоз юзасидан чора кўрдим».

Адолат фақат шiorларда эмас, амалда бўлсагина улў натижалар намоён бўлади. Не бахти, бугун буюк бобокалонимизнинг «Куч — адолатда!» деган улў шiorини баланд тутганмиз. У, албатта, бизни нурли манзилларга, буюк келажакка елтгуси.

Суҳбатдош:
Суюндик МАМИРОВ



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» БАНК

2016 йил — «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда тақлиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ



Таъхир ҳайъати:

Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖУРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат АКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Дилором Маткаримова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.


1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таъхирят маъноси: 100043.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz

Газета Ўзбекистон Матбўти ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарк» НМАК Басмахонасида чоп этилади. Қорқола маънаси: Тошкент шаҳри Буюк Тўроқ кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Өфсет усулида босилган. Буюртма Г — 400. Адади — 9874. Босишга топширилган вақти — 21.30. Босишга топширилди — 22.00.

Баҳорси келишган нарху

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



1 2 3 4 5 6